# Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

ERURSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHONSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2004-yil, 31-dekabr, 52 (641)-son | Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ ***2004 йил, 26 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари халқ депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. Унда 85,1 фоиз сайловчи иштирок этди. Сайловда бешта сиёсий партия ва битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан жами 489 нафар номзод овозга қўйилди.***

♦ *Матбуотда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим округларда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори эълон қилинди.*

♦ ***Кеча пойтахтимизнинг муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида болажонлар учун ҳар йили ўтказиладиган Президент арчаси шодиёналари бошланди. Ушбу шодиёна ватанимизнинг барча вилоятларида давом этмоқда.***

♦ *Янги йил арафасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залини мамлакатимизнинг иқтидорли болалари яратган юзлаб расмлар, амалий санъат намуналари безади. Бу ерда "Янги авлод" болалар ижодиёти республика фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Уни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фонди ташкил этди.*

*Фестивал ғолибларга диплом ва совринларни топшириш билан якунланди.*



## Зафарлар ёр бўлсин!

***Ҳурматли ва азиз касбдошлар!***

*Сизларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъати номидан кириб келаётган Янги — 2005 йил билан самимий қутлайман.*

*Барча соҳа ходимлари каби алоқачилар ҳам мамлакатимиз равнақи, тараққиёти ва порлоқ келажаги йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига хорижий технологияларнинг кириб келаётганлиги, янги қўшма корхоналар ташкил этилаётганлиги, хизмат кўрсатиш сифатларини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш учун қилинаётган барча ишлар дикқатга сазовордир.*

*Мамлакатимизнинг иқтисодий ва маънавий юксалиши ҳамда алоқа соҳасининг ривожланиши йўлидаги камтарона хизматлари ва кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун алоқачилардан тўққиз нафари жорий йилда ҳукуматимизнинг Давлат мукофотларига сазовор бўлишдики, бу соҳамизга кўрсатилган ишончнинг ёрқин намунасидир. Шу билан бирга, ҳукуматимиз қарорларига асосан Агентликнинг нуфузини янада ошириш мақсадида вилоятларда унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Бу мамлакат миқёсида алоқа соҳасига кўрсатилаётган катта эътибордан далолатдир.*

*Ўтаётган йил давомида эришилган ижобий натижалар, белгиланган асосий режадаги ишларнинг муваффақиятли бажарилиши — бу масъулиятли ва шарафли касб эгалари, раҳбар ва ходимларнинг ўз касбларига, бурчларига бўлган садоқатлари, маҳоратлари ҳамда ташаббускорликларининг меваси десак муболаға бўлмайди.*

*Алоқа ва ахборотлаштириш тармоғининг янада тараққий этиши ва келажаги учун олиб борилиши керак бўлган ишларимиз бисёр, шу боис замон талабига мос равишда бундан ҳам фаолроқ хизмат қилишимиз давр тақозосидир.*

*2005 йил Президентимиз ташаббуси билан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинди. Бу соҳамиз барча ходимлари соғлиқларига янада эътиборли бўлиб, Ватанга садоқат ва касбларига масъулият билан ёндашишга, уларга муносиб иш шароитларини яратишга чорлайди. Амир Темур бобомиз айтганидек, «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур». Дарҳақиқат, соғлом ходимнинг меҳнати ҳам самаралидир. Шундай экан, янги йилда халқимизга сифатли ва замонавий алоқа хизматларини кўрсатишда алоқачилар ўзларининг шижоатли меҳнатларини аямайдилар, деган умиддаман.*

*Муҳтарам касбдошлар! Сизларни яна бир бор кириб келаётган Янги, 2005 йил билан табриклаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва ишларингизда улкан ютуқлар тилайман.*

*Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!*

***Абдулла АРИПОВ,***
***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори***

## Комиссия йиғилиши

***Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда қатор вазирлик ва идоралардан комиссия аъзолари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси А.АРИПОВ бошқарди.***

**Йиғилишда** комиссиянинг 2004 йилги иш якунлари, 2005 йил учун режаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Радиочастоталар спектридан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси кўриб чиқилди. Шунингдек, республикамиз ҳудудида янги технологиялар ва қурилмалардан фойдаланиш учун частоталарни тақсимлаш масаласи ҳам кун тартибидан жой олди.

Маълумки, жаҳонда рақамли узатиш суръати тезлашиб бормоқда. Шу муносабат билан Ҳудудий радиоалоқа конференциясининг 174-230 ва 470-862 МГц частоталарда рақамли узатишни йўлга қўйиш ва мутаносиб равишда ушбу частоталарни рақамли узатиш учун бўшатиш режасини яратиш кўзда тутилган иккинчи сессиясига тайёргарлик жараёнига ҳам тўхтаб ўтилди.



Йиғилиш қатнашчилари томонидан 2007 йилда ўтказилиши мўлжалланаётган Бутунжаҳон радиоалоқа анжуманига тайёргарлик доирасида ўтказиладиган тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Мажлисда радиочастоталар спектрининг келгусида давлат томонидан бошқарилишига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

***Ўз мухбиримиз***

*Янги — 2005 йилни қарши олмоқдамиз. Барчамизда кўтаринки кайфият, хонадонларимизда байрам тараддуди. Ҳамма ўзининг яқинларига совға ҳадя қилиб, улар кўнглини олиш, қувончига шерик бўлиш ниятида.*

*Биз, "Xabar"чилар ҳам муштарийларимиз учун ўз "совға"мизни тайёрладик. Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларига алоҳида биттадан бет ажратилган ўттиз икки саҳифалик газетамизни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз. Ўйлаймизки, уни варақлаганингиз сари, шодлигингизга шодлик қўшилаверади, анчадан буён кўришмаган таниш-биларингиз, бир вақтлар бирга ўқиган дўстларингиз, устозу ҳамкасбларингизни учратишингиз мумкин.*

*Азизлар, қўлингизга газетамизнинг бу йилги сўнгги — Янги йил байрамига бағишланган махсус сони етиб борди. Унинг барча саҳифаларида Сизга аталган гўзал истакларимиз, Сизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз мужассам.*

*Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, муҳтарам газетхонлар!*

*"Xabar"чилар*

ORAMIZDAGI ODAMLAR



***Шундай замондошларимиз борки, улар билан бир юртда яшаётганингдан ўзингни бахтиёр ҳис қиласан. Гап барча танийдиган, телевидение, радио ва матбуот нашрлари саҳифаларини "эгаллаб олган" қўшиқчилар, кино актёрлари ва яна кўплаб "юлдузлар" ҳақида эмас. Мен назарда тутаётган инсонлар машҳурликка даъво қилишмайди, мансаб пиллапояларини кўзлашмайди. Улар беминнат меҳнати билан эл-юрт корига яраётган, уларнинг дард-ташвиши билан яшаётган, бошқача айтганда, ўз касбини ҳаётининг мазмунига айлантира олган инсонлардир.***

# Умр мазмуни



**"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" ("ТШТТ")** филиали пойтахтликлар ва унинг меҳмонларига хизмат кўрсатади. Филиалнинг Янгиобод телефон боғламасига қарашли 98-автомат телефон станцияси Ҳамза туманида жойлашган. Бугунги кунда 7,5 минг мижозга эга мазкур АТСни Нишон Саидазимов кўп йиллардан буён, аниқроғи, ташкил этилган кунидан бошлаб бошқариб келяпти. Тошкентлик алоқачилар Нишон акани яхши билишади. Кўпчилик у кишини ишнинг кўзини биладиган касбдош ҳамда устоз-мураббий сифатида ҳурмат қилади.

— Фаолиятимни 1978 йили 96-АТСда электромонтёрликдан бошлаганман, — дейди Янгиобод телефон боғламаси бошлиғи Қўчқор Норчаев. — Ўшанда Нишон ака ёшлардан кўмагини аямайдиган, уларга тўғри йўл кўрсатадиган мураббий эканлигига амин бўлганман. Устозимизнинг ўгитлари бизни фақат тўғри йўлга бошлади.

Нишон аканинг алоқа соҳасида иш бошлаганига 40 йил тўлди. У киши фаолиятини "Тошкент шаҳар телефон тармоғи"га қарашли 33-АТСда оддий электромонтёрликдан бошлаганди. Орада Тошкент политехника институти (ҳозирги Техника университети)нинг энергетика факултетини сиртдан битиришга ҳам улгурди. Кейинчалик электромеханик бўлиб ишлади, бир оз муддат ўтгач, алоқа линияси муҳандиси этиб тайинланди.

Яхши биласиз, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри жуда тез суръатда кенгайиб бормоқда. Баъзи маълумотларга кўра, ҳозир бу ерда 3 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Таққослайдиган бўлсак, Нишон ака фаолият бошлаган 1964 йилда пойтахт аҳолиси 1200 минг кишига ҳам етмас эди. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларида республикамизда рўй берган "демографик портлаш" кўп соҳалар вакиллари қатори телефончиларни ҳам шошириб қўйди. АТСлар иш ҳажмини кенгайтириш, уларнинг янгиларини қуриш зарурати туғилди. 1986 йили 98-АТСни қуриш ҳаракатлари бошланганда бунёдкорлик ишларига мутасадди этиб 96-АТСнинг ўша пайтдаги алоқа линияси муҳандиси бўлган Н.Саидазимов тайинланди. Бир инсон камолотга етишига кифоя қилгулик ўтган давр мобайнида АТСда соғлом муҳит, муносиб ходимлар жамоаси шакллантирилди. Уларнинг ўзига хос шиори ҳам бор: "Мижозларнинг барча талабларини бажара олмаслик айб эмас, лекин асло бефарқ бўлмаслик керак!". Нишон аканинг ўзи бу иборани қуйидагича изоҳлайди:

— Бизнинг вазифамиз — инсонларнинг узоғини яқин қилиш, уларнинг ўзаро мулоқоти учун имконият яратиш. Турли носозликлар юз берганда, табиийки, мижозлар дарров бизга мурожаат қилишади. Баъзи сабабларга кўра, ўша камчиликни ўз вақтида бартараф этишнинг имкони бўлмаслиги ҳам мумкин. Буни мижозга яхшилаб тушунтирамиз. Албатта, биров тушунади, баъзилар эса аксинча. Энг асосийси, бундай вазиятларда хушмуомалаликни унутмаслигимиз лозим. Буни қўл остимдаги ҳар бир ходимдан доимий равишда талаб қилиб бораман. Мижозлар билан ишлашда лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Айтайлик, уларнинг баъзилари кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлай олишмайди. Шунда уларнинг оилавий шароити, айни дамда тўлашга қурби етадими, етмайдими — буларнинг бари ўрганиб чиқилади. Иложи борича телефонни ўчириб қўймасликка ҳаракат қиламиз. Тўловларни кейинроқ ундириш шарти билан улардан тилхат оламиз, бу билан дебитор қарздорлик ошиб кетишининг ҳам олди олинади.

Фақат бу ўткинчи дунёнинг асл моҳиятини англаб етганларгина эзгу ишларга қодир. Яхшидан боғ, яхши ном қолади. Нишон ака шу касб орқасидан одамлар ишончи ва меҳрини қозонгандирки, ўғиллари ҳам ота касбини давом эттиришмоқда.

Тўнғич ўғил, Садриддин Собир Раҳимов телефон боғламасига қарашли 148-АТСнинг алоқа линияси муҳандиси. Зуҳриддин эса "ТШТТ" филиалининг станцияларо алоқа боғламасида кабелчи-пайвандловчи бўлиб ишламоқда. Кенжа ўғил Зиёвуддин 66 ва 67-АТСларнинг навбатчи муҳандиси.

Орзу, ҳою-ҳавас каби тушунчалар ҳеч биримизга бегона эмас. Ниятлари холис бўлса, ҳар ким мақсадига эришади. Лекин нима бўлганда ҳам, Нишон ака таъкидлаганидек, йигит киши биринчи галда ўзига муносиб касб танламоғи лозим. Шундагина у ҳурмат, обрў-эътибор топади.

***Собит АҲАДОВ,***
***"Xabar" мухбири***

USTOZ — OTADEK ULUG'

# Қалби эзгулик билан йўғрилган инсон

***Дунёни меҳрибон кишиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар юриш-туриши, донишмандлиги, касб-корига фидойилиги билан касбдошлари ва бошқаларга ибрат бўла олади. Педагог олим Муҳаммаджон Абдурасуловни ҳам ана шундай кишилар сирасига қўшиш мумкин.***



**Муҳаммаджон Абдурасулов** 1932 йили қўшни Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрида таваллуд топган. 1950 йили шаҳардаги ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, ҳужжатларини Тошкент молия иқтисодиёт институтига топшириди ва талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлди. 1954 йили эса институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Илм олишга бўлган интилиш ва кучли иштиёқ кейинчалик Муҳаммаджон акани аспирантурага етаклади. 1964 йили ўзи тамомлаган институтнинг "Сиёсий иқтисод" кафедрасида номзодлик, 1989 йили эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Ҳаёт сўқмоқлари жуда машаққатли, фақат иродаси мустаҳкам, эътиқоди бутун кишиларгина унда дадил одимлай оладилар. М.Абдурасуловнинг ўтган етмиш йиллик умри ҳам бир текис кечмади. Унинг айни ёшлик йиллари жуда оғир даврга тўғри келди. Шундай бўлса-да, бу инсон ҳамиша билим олишга, эзгуликка интилди, хушфеъл, очиққўнгил инсонларга эргашди. Албатта, келажакка ишонч билан ташланган қадамлар бесамар кетмади. У киши олдига қўйган олий мақсадга — олим-мураббий даражасига эришди. Қарийб ярим асрдан буён устоз ижтимоий-иқтисодий илмларни мукаммал эгаллаган етук олим, катта ҳаётий тажриба орттирган ташкилотчи ҳамда меҳрибон мураббий сифатида Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Иқтисодиёт назарияси" кафедрасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Нафақат талаба-ёшлар, балки университетнинг педагогик жамоаси ҳам у кишининг илмий, маънавий ва мураббийлик маҳоратидан баҳраманд бўлмоқда.

— Устозимиз Муҳаммаджон Абдурасулов бутун умрини, билими ва истеъдодини ёш авлод қалбига, шуурига сингдиришга бағишлади, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг Илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори Хайрулла Орипов. — Ҳозирги пайтда университетда меҳнат қилаётган проректор ва деканлар, ўқитувчиларнинг аксарияти ҳам у кишининг талабалари бўлган. Умуман олганда, Муҳаммаджон ака республикамизда иқтисодчи олимлар тайёрлашда билим ва куч-ғайратини аямай меҳнат қилган. Айни дамда устознинг кўплаб шогирдлари мамлакатимиз ва МДҲ давлатларида масъул вазифаларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Муҳаммаджон ака иккита услубий-ўқув қўлланма, бир қанча монографиялар, дарсликлар, кўплаб назарий-услубий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи ҳамдир.

Дарҳақиқат, М.Абдурасулов ўттиз йилдан буён назариячи олим сифатида ўзининг рисолалари ва маърузалари билан халқимизнинг тафаккурини шакллантиришда ва тубдан янгиланишида самарали хизмат қилмоқда.

Одатда, ўзини илмга бахшида этган кишиларда кучли инсоний фазилатлар ҳам мужассам бўлади. Бундай фазилат М.Абдурасулов домлага ҳам бегона эмас.

— 1966 йилнинг 26 апрелида Тошкентда даҳшатли зилзила рўй берган пайтда мен ушбу университетнинг талабаси эдим, — дея эслайди университетнинг телекоммуникациялар технологиялари факултети декани Нурулла Гултўраев. — Зилзила пойтахтимиздаги кўплаб бино ва уйлар қатори бизнинг ётоқхона ҳам жиддий шикаст етказганди. Натижада вилоятлардан келган талабалар бошпанасиз қолди. Ўшанда Муҳаммаджон ака уч нафар талабани ўз хонадонига олиб кетиб, янги ўқув йилигача яшаш шароитлари, озиқ-овқат билан таъминлаган эди. Албатта, домла бу ишни ўзини кўз-кўз қилиш учун қилмаган. Қалб амрига бўйсунган, холос. Одамийлик, инсон қадрини ҳар нарсадан устун қўя олиши ва буларни ўзининг оддий бурчи сифатида билиши у кишининг ажойиб фазилатидир.

Ҳа, қалби эзгулик билан йўғрилган инсон келажак авлодларга маънавий бойлик қолдиришни ўзи учун бахт деб билади. Келажакка ишонч ва умид билан қаровчи, имони бут, меҳр-оқибатли, бағрикенг одамлар суҳбатида бўлсангиз, дилингиз яйрайди. Уларнинг эзгу ниятлар билан хайрли ишларга қўл урганини кўриб кувонасиз, ана шундай қалб соҳиблари изидан боргингиз келади.

Хулоса ўрнида шуни айтишни лозим топдим. Искандар Зулқарнайндан "Нима сабабдан устозингизни отангиздан ортиқ ҳурмат қиласиз?", деб сўраганларида, у: "Отам мени осмондан ерга туширган, устозим эса ердан осмонга кўтарди", дея жавоб берган экан. Шубҳасиз, бу жавоб биз ҳикоя қилган иқтисод фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Абдурасуловга ва у киши сингари фидойи устозларга бўлган кучли эҳтиромдир.

***Шер МУСЛИМОВ***

TAHRIRIYATGA XAT

## СИЗЛАРГА КУЧ-ҚУВВАТ ТИЛАЙМАН

*Ассалому алайкум ҳурматли "Xabar" газетаси таҳририяти ходимлари!*

*Мен ушбу нашрни мунтазам ўқиб бораман. Шу боис ҳафтанинг ҳар муборак жума кунини интизорлик билан кутаман. Газетада берилаётган турли мавзудаги мақолалар билан уйдаги юмушларимни қолдириб бўлсада танишиб чиқаман. Саҳифалардаги ҳикоялар, панду насиҳат, турмушдаги воқеа-ҳодисалар ва алоқа соҳасига оид мақолалар жуда ўринли деб биламан.*

*Қадрли ижодкорлар! Фурсатдан фойдаланиб, сизларни яқинлашиб келаётган янги йил билан табриклайман. Гўзал айём кунларида барча эзгу ниятларингиз амалга ошишига тилакдошман. Эл-юрт манфаати йўлида қилаётган ишларингизда сизларга куч-қувват, улкан муваффақиятлар тилаган ҳолда мухлисларингиз янада кўпайишини истаб қоламан.*

***Илёсбек ТОШМАТОВ,***
***"Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали иш юритувчиси***

## МАЪНАВИЙ ҲУЗУР МАНБАИ

*"Xabar" мен учун қадрли нашр. Айниқса, "Ўзбектелеком" АКнинг фаолияти билан боғлиқ ҳар бир хабар, ҳар бир мақолани диққат билан ўқиб чиқаман. Қандай ютуқларга эришилди, қандай камчиликларга йўл қўйилди — бу борадаги таҳлилий мақолалар билан танишиш жуда мароқли.*

*Яна шуни ҳам айтишим зарурки, газетани бутун оиламиз — фарзандлар, набиралар ҳам ҳузур қилиб ўқишади. Масалан, "Қўшничилик — минг йилчилик" рукни остидаги қатор мақолалар, шунингдек, "Ушалган орзу", "Қисмат" сарлавҳали мақолаларни оила даврасида қайта-қайта ўқиб чиқдик. Детектив жанрининг қироличаси Агата Кристининг "Иштар ибодатхонасидаги қотиллик" ҳикояси чоп этилгани ҳам бизни қувонтирди.*

*Қадрдон газетамиз 2005 йилда янада ўқишли бўлиб қолади, деган умиддамиз. Бу йўлда газета ижодкорларига муваффақиятлар тилаймиз.*

***Мусо ЁҚУБЖОНОВ,***
***"Фарғона Телеком" филиали меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлими мутахассиси***

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси Тошкент филиали директори Зоҳид Қосимовга отаси
**ЗОКИР ота**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг Тошкент филиали жамоаси филиал директори Зоҳид Қосимовга падари бузруквори
**ЗОКИР ота**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Наманган Телеком" филиали жамоаси филиал бўлим бошлиғи Д.Андреевага отаси ва бош мутахассиси С.Андреевга қайнотаси
**Юрий Даметович ЮНУСОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Наманган Телеком" филиали жамоаси филиал бош ҳисобчисининг ўринбосари О.Конченкога опаси
**Валентина Викторовна ЗУБЕНКО**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбектелеком" АК жамоаси "Фарғона Телеком" филиали Қувасой телекоммуникациялар боғламаси линия монтёри
**Икром ҲАМРОБОЕВ**нинг
фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

OZBEKTELEKOM
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг барча фуқаролари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси вакиллари ҳамда ўз мижозларини

2005 йил билан

қизғин муборакбод этади.

Ушбу айём арафасида барчага оилавий бахт, соғлик-саломатлик тилаймиз.

Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамкасблари ва уларнинг оила аъзоларини

Янги йил байрами билан

самимий табриклайди.

Ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака ва фаровонлик тилаймиз.

Сиҳат-саломатлик йили барчамиз учун қутлуғ келсин, азиз юртдошлар!

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ватан равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни

Янги йил шодиёнаси билан

қизғин қутлайди.

Жамиятимизнинг энг муҳим бўғини бўлган ҳар бир оилани қут-барака, хотиржамлик ҳамда тўкин-сочинлик тарк этмасин.

Кириб келаётган йилда барча эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг барча алоқа ходимларини

2005 йил — Сиҳат саломатлик йили билан

самимий муборакбод этади.

Сизларга бахт-саодат, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Янги йил сизга омад ва қувонч келтирсин!

# СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ»



**Наступление даты закрытия реестра:**
**Порядковый номер сообщения** – 07
**Дата принятия решения о дате, на которую составляется список владельцев акций** – 22 ноября 2004 года
**Дата, на которую составляется список владельцев акций** – 22 ноября 2004 года
(протокол Наблюдательного совета подписан 24.11.2004г., сообщение напечатано в газете «Правда Востока» 26.11.2004г.)

**Решения общего собрания акционеров:**
**Порядковый номер сообщения** – 09
**Вид общего собрания акционеров** – внеочередное
**Форма проведения собрания** – очное
**Дата проведения Общего собрания акционеров** – 22 декабря 2004 года
**Место проведения** – г. Ташкент, ул. Амира Темура 15, конференц-зал гостиницы при Главном управлении инвестиций
**Кворум собрания** - 29681570 штук акций или 99,98 % от общего количества акций

**Вопросы повестки дня, поставленные на голосование:**
1. О внесении изменений и дополнений в Устав и Проспект эмиссии АК «Узбектелеком»
**Решение, поставленное на голосование:**
1.1. Утвердить изменения и дополнения в Устав и Проспект эмиссии АК «Узбектелеком» согласно Приложений 1 и 2
**Итоги голосования:**
«За» - 29681570 «Против» - 0 «Воздержались» - 0

*Приложение 1*
*Утверждено Общим собранием акционеров АК «Узбектелеком». Протокол № 11 от 22.12.2004 г.*

**ДОПОЛНЕНИЯ И ИЗМЕНЕНИЯ (8)**
в Устав АК «Узбектелеком»

| Старая редакция | Новая редакция |
|---|---|
| | Статья 2. Основные задачи, предмет и цели деятельности, функции Компании<br>Статью 2 дополнить пунктом:<br>п. 2.3.56. Осуществляет маркетинговую и рекламную деятельность |
| Статья 3. Уставный фонд<br>Уставный фонд АК «Узбектелеком» в размере 30.802.967,308тыс. сум, разделенный на 30.802.967 штук акций, распределяется:<br>• Государственная доля – 30 % или 9.240.890 простых акций на сумму 9.240.890,0 тыс. сум<br>• Доля трудового коллектива –3,068 % или 944.946 привилегированных акций на сумму 944.946,0 тыс. сум,<br>• Доля свободной продажи – 66,932 % или 20.447.093 простых и 170038 привилегированных акций на общую сумму 20.617.131,0 тыс. сум, в том числе: предназначенные для иностранного инвестора - не менее 51 %, размещенных среди юридических и физических лиц — 2,733 % или 671.702 простых и 170.038 привилегированных акций на сумму 841.740,0 тыс. сум | Статья 3. Уставный фонд<br>Уставный фонд АК «Узбектелеком» в размере 30.802.967,0 тыс. сум, разделенный на 30.802.967 штук акций, распределяется:<br>• Государственная доля – 45 %, или 13.861.335, 0 тыс. сум (13.861.335 штук акций)<br>• Доля иностранного инвестора – 49% или 15.093.454,0 тыс. сум (15.093.454 штук акций)<br>• Доля юридических и физических лиц — 6 % или 1.848.178,0 тыс. сум (1.848.178 штук акций) |
| Статья 5. Порядок выпуска и размещения акций .<br>Виды акций, сроки их оплаты<br>П 5.2. Компания осуществляет выпуск безналичных акций на сумму 30.802.967,308 тыс. сум, номинальной стоимостью1000 сум, в количестве 30.802.967 штук, в том числе 29.687.983 штук простых именных и 1.114.984 штук привилегированных именных акций. | Статья 5. Порядок выпуска и размещения акций .<br>Виды акций, сроки их оплаты<br>П. 5.2. Компания осуществляет выпуск безналичных акций на сумму 30.802.967,0 тыс. сум, номинальной стоимостью 1000 сум, в количестве 30.802.967 штук, в том числе 29.687.983 штук простых именных и 1.114.984 штук привилегированных именных акций. |

*Приложение № 2*
*«УТВЕРЖДЕНО» Внеочередным Общим собранием акционеров АК «Узбектелеком» 22.12.2004 г. Протокол № 11*

**ТЕКСТ**
**изменений в Проспект эмиссии АК «Узбектелеком», зарегистрированный Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг (от 4.03.2002 г. № Р0434 и от 10.07.2003 г. № Р0434-2)**

| Старая редакция | Новая редакция |
|---|---|
| **1-раздел «Основные сведения об эмитенте».**<br>**7. Всего количество акционеров 172, в том числе список всех акционеров эмитента, которые имеют 5 и более процентов общего количества голосов:**<br>Госкоммимущество Республики Узбекистан - город Ташкент, Проспект Узбекистанский, 55.<br>доля акционера в У.Ф. — 30,0 % или 9.240.890 штук.<br>**3-раздел «Сведения о предстоящем выпуске ценных бумаг»**<br>**1. Общие данные о ценных бумагах:**<br>а) общий объем выпуска<br>(по номинальной стоимости) - 30.802.967.308 сум.<br><br>**1 – Строка. По проспекту эмиссии.**<br>**Государственная доля** –<br>9.240.890,0 тыс.сум,<br>9.240.890 штук акций.<br>**Доля трудового коллектива** –<br>944.946,0 тыс.сум,<br>944.946 штук акций.<br>**Свободная продажа** –<br>20.617.131,308 тыс.сум,<br>20.617.131 штук акций.<br>**Для иностранного инвестора** –<br>15.709.513,308 тыс.сум,<br>15.709.513 штук акций.<br><br>**2–Строка. Текущее состояние (размещено).**<br>**Государственная доля** –<br>9.240.890,0 тыс.сум,<br>9.240.890 штук акций размещено.<br>**Доля трудового коллектива** –<br>944.946,0 тыс.сум,<br>944.946 штук акций размещено в полном объеме.<br>**Доля свободной продажи** –<br>841.740,0 тыс.сум,<br>841.740 штук акций размещено.<br>4.065.878,0 тыс.сум,<br>4.065.878 штук акций госактивов<br><br>**Для иностранного инвестора-**<br>15.709.513,308 тыс.сум<br>15.709.513 штук акций госактивов. | **1-раздел «Основные сведения об эмитенте».**<br>**7. Всего количество акционеров 22030, в том числе список всех акционеров эмитента, которые имеют 5 и более процентов общего количества голосов:**<br>Госкоммимущество Республики Узбекистан-город Ташкент, Проспект Узбекистанский, 55.<br>доля акционера в У.Ф. — 45,0 % или 13.861.335 штук.<br><br>**3-раздел «Сведения о предстоящем выпуске ценных бумаг»**<br>**1. Общие данные о ценных бумагах:**<br>а) общий объем выпуска<br>(по номинальной стоимости) - 30.802.967.000 сум.<br><br>**1 – Строка. По проспекту эмиссии.**<br>**Государственная доля** –<br>13.861.335,0 тыс.сум,<br>13.861.335 штук акций.<br>**Доля трудового коллектива** –<br>944.946,0 тыс.сум,<br>944.946 штук акций.<br>**Свободная продажа** –<br>903.232,0 тыс.сум,<br>903.232 штук акций.<br>**Для иностранного инвестора** –<br>15.093.454,0 тыс.сум,<br>15.093.454 штук акций.<br><br>**2–Строка. Текущее состояние (размещено).**<br>**Государственная доля** –<br>13.861.335,0 тыс.сум,<br>13.861.335 штук акций размещено.<br>**Доля трудового коллектива** –<br>944.946,0 тыс.сум,<br>944.946 штук акций размещено в полном объеме.<br>**Доля свободной продажи** –<br>841.740,0 тыс.сум,<br>841.740 штук акций размещено.<br>61.492,0 тыс.сум,<br>61.492 штук акций подлежат размещению резидентам Республики Узбекистан<br>**Для иностранного инвестора-**<br>15.093.454,0 тыс.сум<br>15.093.454 штук акций госактивы. |

2. Утверждение аудитора АК «Узбектелеком» на 2004 год
**Решение, поставленное на голосование:**
2.1. Утвердить в качестве аудитора АК «Узбектелеком» на 2004 год аудиторскую фирму «Аломат Аудит»;
при заключении договора с аудитором предусмотреть страхование его ответственности за результаты аудиторской проверки.
**Итоги голосования:**
«За» - 29681570 «Против» - 0 «Воздержались» - 0
3. О выборах нового состава Наблюдательного совета
**Решение, поставленное на голосование:**
3. 1. Избрать Наблюдательный совет в составе:
Арипов Абдулла Нигматович, Избосаров Агзам Фахритдинович, Усманов Анвар Саидмахмудович, Искандаров Анварбек Ходжаниязович,Файзиев Эркин Кудратович, Исаев Рихси Исаходжаевич, Холмухамедов Хамидулла Хабибуллаевич, Халмуратова Майрам Авазовна, Рахимджанов Мухтаржон Хамиджанович

**По результатам голосования, подано голосов за:**

| | |
|---|---|
| **Арипова А.Н.** | 3726227, что составляет 12,55 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Избосарова А.Ф.** | 3720666, что составляет 12,54 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Усманова А.С.** | 3681450, что составляет 12,4 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Искандарова А.Х.** | 3681450, что составляет 12,4 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Файзиева Э.К.** | 3681450, что составляет 12,4 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Исаева Р.И.** | 3721634, что составляет 12,54 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Холмухамедова Х.Х.** | 3681449, что составляет 12,4 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Халмуратову М.А.** | 3720634, что составляет 12,54 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |
| **Рахимджанова М.Х.** | 66610, что составляет 0,23 % от общего количества присутствующих на Собрании владельцев голосующих акций |

**Список аффилированных лиц АК «Узбектелеком»:**

| | |
|---|---|
| 1. | **Госкомимущество Республики Узбекистан,**<br>Организационно-правовая форма –государственная<br>Адрес: 700003 г.Ташкент, пр.Узбекистанский, 55<br>ИНН 200950435<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как юридич.лицо, обладающее более 20 % акций АК «Узбектелеком» (п.4.1. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 10.08.00г.<br>Количество принадлежащих голосующих акций 29.016.281 штук (94,2 % от УФ) |
| 2. | **Арипов А.Н. –** Заместитель Премьер-Министра РУз, Генеральный директор Узбекского агентства связи и информатизации<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как Председатель Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 3. | **Избосаров А.Ф. –** Первый заместитель Генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации, Представитель государственного управляющего<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет, как государственный поверенный голосует акциями, принадлежащими государству (см. п.1) |
| 4. | **Искандаров А.Х. -** Начальник Службы Правительственной связи<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 5. | **Усманов А.С. -** Заместитель Председателя Государственного Комитета по демонополизации и развитию конкуренции РУз<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 6. | **Холмухамедов Х.Х. –** И.о.Директора Республиканского Центра управления сетями телекоммуникаций Узбекистана<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 7. | **Файзиев Э.К. -** Начальник управления разгосударствления и приватизации ГКИ РУз<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 8. | **Исаев Р.И. –** Первый заместитель Директора Центра научно-технических и маркетинговых исследований<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 9. | **Халмуратова М.А. -** Заместитель Председателя Государственной Комиссии по радиочастотам УзАСИ<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 10. | **Рахимджанов М.Х-** Начальник Главного управления координации работы с корпоративными клиентами НБУ ВЭД<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как член Наблюдательного совета АК «Узбектелеком» (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 22.12.04 г. (избран общим собранием акционеров, протокол № 11).<br>Голосующих акций не имеет. |
| 11. | **Мухитдинов Х.А. -** Генеральный директор АК «Узбектелеком»<br>Основание, по которому является аффил.лицом – как лицо, осуществляющее полномочия единоличного Исполнительного органа (п.4.3. Положения об аффилированных лицах, о порядке ведения их учета и раскрытия информации в акционерных обществах, рег.МЮ 1212 от 29.01.03г.)<br>Аффилир.лицом является с 26.09.01г.<br>Назначен НС (протокол № 14), утвержден на ОСА 23.11.01г. (протокол № 4)<br>срок полномочий продлен на год на ОСА 25.06.04г. (протокол № 10) |

В связи с прекращением полномочий члена Наблюдательного совета, Рамазанов Роберт Хазеевич исключен из списка аффилированных лиц.

Республика Каракалпакстан


***В Республике Каракалпакстан проводится большая работа по реконструкции и развитию телекоммуникационной сети. Так, по проекту OECF-1 утвержден фонд OECF, где по кредиту Японского правительства предоставляется трехпроцентный кредит сроком на 30 лет. В настоящее время выделено 17 млн. 600 тысяч долларов на приобретение нового цифрового оборудования, соответствующего всем техническим требованиям.***



# От аналоговой — к цифровой

**По первому** этапу OECF-1 уже установлено новое цифровое оборудование в восьми районах и в г. Нукусе емкостью в 78500 номеров местной телефонной сети и междугородная автоматическая телефонная станция на 9200 каналов в г.Нукусе. Она работает на волоконно-оптическом кабеле трансазиатской магистрали ТАЕ, протянутом на Ташкент через Турткуль. Подключен он также к восьми райцентрам, общая протяженность ВОЛС составляет 306 км.





По второму этапу, который осуществляется с 2003 года по проекту JBIC, в республике предусмотрены реконструкция аналоговых АТС на цифровые (8500 номеров), а также расширение на 1000 номеров. В их числе реконструкция Мангит-1 на 2000 номеров, Мангит-2 — на 2000, Канлыкуль - на 1000, Караузяк - на 1500, Тахтакупыр - на 2000 номеров, расширение Мангит-1 на 300 номеров, Канлыкуль – на 100 и Чимбай — на 600 номеров.

В остальных районных центрах – Муйнак, Шуманай, Бозатау – реконструкция АТС не предусмотрена, здесь установлено оборудование цифровой системы передачи для организации цифрового потока на увеличение междугороднего и международного каналов.

Смонтировано также оборудование цифровой АТС компании Хуавей Китайского производства и система передачи компании НЭК Японского производства. Это позволит увеличить общую емкость ГТС на 9518 номеров междугородней и на 1830 номеров международной каналов.

За счет сэкономленных средств по проекту JBIC предусмотрена реконструкция оставшихся аналоговых АТС на цифровые в Нукусе, Муйнаке, Шуманае, Турткуле, Чимбае и в ряде других пунктах.

В настоящее время вышеперечисленные волоконно-оптические линии связи и оборудование ЭАТС находятся в опытной эксплуатации.

Следует также отметить, что закончен монтаж и настройка базовых телефонных станций по беспроводному абонентскому доступу производства США в таких городах и райцентрах, как Нукус, Мангит, Шуманай, Кунград, Муйнак, Турткуль, Элликкала, Чимбай, Тахтакупыр и Султанузяк.

С вводом в эксплуатацию систем беспроводного доступа мобильной роуминговой связи на территории республики появилась возможность телефонизировать труднодоступные населенные пункты, школы, колледжи и отдаленные фермерские хозяйства.


Работа по реконструкции и развитию телекоммуникационной сети республики будет продолжена и в наступающем году.

***Кайрат ТАЖЕНОВ,***
***директор филиала***
***"Каракалпак Телеком"***

# Доставка корреспонденции вначале осуществлялась на верблюдах, теперь – электронной почтой

***Почтовая связь в Республике Каракалпакстан начиналась как военная переписка, так как первые поселения были как крепости. В 1873-1875 годах одна из крепостей имела военно-стратегическое значение и находилась она в административном центре Петро-Александровск (ныне Турткуль).***

**В конце XIX века,** а точнее — в 1890 году, в Петро-Александровске была организована почтовая связь в виде приема телеграмм, отправления денежных переводов. Почта на предприятие поступала на наемных верблюдах, арбах, из Чорджуя по реке Амударье на лодках переправлялась в Петро-Александровск. Первым извозчиком почты был Ешим Омаров из Шураханской волости, который взял на себя обязательство в наделю два раза на своих лошадях перевозить почту из Чорджуя, за что почтовое предприятие платило ему 2250 манат.



В связи с переводом центра ККАССР в г. Нукус в 1932 году были открыты почтовые тракты Нукус-Чимбай, Нукус-Ходжейли-Кунград. Почтовики помещались в старых неприспособленных помещениях. В числе первых в 1940 году было построено двухэтажное здание почты по улице Ф.Энгельса (ныне — А.Шамуратовой).

В тяжелые военные и послевоенные годы на ниве почтовой связи работали ветераны Данченко Г.В., Белов Ф.П., Д.Акбашев, Н.Б.Лобанова, М.П.Бучек, Р.П. Алейникова, Ф.Иманкулова. Их дело продолжили следующие поколения.

В 1967-1985 годах почтовую связь Производственно-технического управления связи возглавляла В.М.Логунова. Вместе с ней работали А.Цветкова, Б.Таубаев, Т.Шаригатова. В 1986-1989 годах заместителем начальника ПТУС была Д.Косманова, затем К.Ибрагимов, который после разделения почты в 1992-1995 годах был начальником ГППС. В эти годы почтовая связь стала усиленно развиваться, появился первый небольшой парк ведомственных автомобилей для перевозки почты, техническая оснащенность росла, появились компьютеры.

Шли годы. Появлялись новые районы, и тут же строились здания узлов связи. В 1970 году возник новый, Ленинабадский (ныне Канлыкульский), узел связи. Заместителем начальника узла по почтовой связи был К.Сапаров. Затем он был руководителем, а его заместителем на протяжении долгих лет был А.Кошербаев, ныне он начальник этого филиала.

В 1977 году был образован новый Элликкалинский район, заместителем открывшегося здесь узла связи стал Латифбой Заиров, проработавший в органах связи более 30 лет, сейчас его сын работает начальником ОС в этом же филиале.

Хочется отметить таких ветеранов этого района, как Эгамберды Матякубов (покойный), Саутбек Алимбетов, Садулла Берганов, Акилжан Жулдузбаева, почтальоны Батыр Ибрагимов, Ниязиммат Рузимов, Хакимбай Хасанов, Купал Ниязымбетов, Умурзак Жумагилиев, Абдулла Аразов. А такие ветераны, как Каландар Зарипов, Халмурод Ниязымбетов, Мадияр Муминов, Атахан Абдуллаев трудятся здесь со дня образования этого узла связи.

Сегодня в рядах работников почтовой связи немало верных своему делу людей. Среди них оператор ОС-1 Турткульского района Курбангуль Ходжаниязова, заместитель начальника С.Абдуразаков, оператор Б.Юлдашев, начальник Канлыкульского районного филиала А.Кошербаев, начальник ОС Рыбкомбинат Муйнакского филиала Х.Айбупийева, инструктор Шуманайского филиала У.Утемуратов, начальник пенсионного отдела Чимбайского филиала Г.Алимбетова, заместитель Нукусского почтамта Т.Нурышева и многие другие.

В последние годы большое внимание уделяется подготовке и повышению квалификации кадров. 70 начальников отделений связи, операторов, начальников узлов связи без отрыва от производства получили дипломы Ташкентского техникума связи. Новым технологиям были обучены бухгалтеры, экономисты, заместители узлов почтовой связи, операторы пенсионных отделов.

Заметно укрепилась и материально-техническая оснащенность почтовой службы. Так, путем хашара было построено четыре отделения связи в Элликкалинском районе. На сегодняшний день мы имеем 43 компьютера, 6 факсов, 4 ксерокса, парк автомашин составляет 24 единицы.

Работает корпоративная сеть между ОАО "Узбекистон почтаси" и нашим филиалом, планируем подсоединить к этой сети все узлы почтовой связи. Проведение всех этих мероприятий даст возможность приступить к дальнейшему развитию производственных процессов, открытию электронной и гибридной почты.

***Жиенбай АБДИРАМАНОВ,***
***директор***
***Каракалпакского филиала***
***ОАО "Узбекистон почтаси"***


# Чтобы в каждом доме горел "голубой огонек"

**Каракалпакский** радио-телевизионный передающий центр (РТПЦ) (директор Е.Халбаев) обеспечивает распространение государственных телевизионных и радиовещательных программ на всей территории республики. В коллективе центра успешно трудится 172 опытных инженерно-технических работника.

В завершающемся году по проекту JBIC при активном участии работников РТПЦ установлены и находятся на опытной эксплуатации 15 телевизионных и 11 ФМ - передатчиков на объектах РТС в Нукусе, Кунграде, Муйнаке, Шуманае, Тахтакупыре. В результате достигнуто значительное увеличение зоны охвата телерадиовещанием по сравнению с периодом использования передатчиков старой технологии. В настоящее время ведется уточнение зон охвата территории телерадиовещанием.

Всего в эксплуатации РТПЦ находятся 31 телевизионная, 11 ФМ и 4 СВ радиопередатчиков.





***На снимках: внутренний и общий вид Нукусской РТС***

*Полосу подготовил А.МУХАМЕДЖАНОВ*

UZPAK
ДАВЛАТ МАЪЛУМОТЛАРНИ УЗАТИШ ТАРМОҒИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Сизларни кириб келаётган 2005 йил билан чин қалбдан табриклайди.

Янги йил хонадонингизга қувонч, бахт ва хотиржамлик олиб кирсин. Сизни ҳеч қачон эртанги кунга ишонч хисси ва яхши кайфият тарк этмасин.



Сизга ва яқинларингизга бардамлик тилаймиз!

"ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Янги йил байрами билан юртдошларимиз ва алоқа соҳаси ходимларини чин қалбдан қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, меҳнат фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!

Янги йил айёмингиз муборак, қадрли ҳамкасблар!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамиз халқини ва алоқа соҳаси ходимларини Янги йил байрами билан муборакбод этади.

Барчангизга боқий умр, тинчлик, омонлик, бахт-саодат ҳамроҳ бўлсин.

"АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Кумуш қишнинг гўзал байрами – Янги йил билан барча-барчани муборакбод этади.

Азизлар!
Истагимиз – дилингизда неки эзгу орзу-умидларингиз бўлса Янги йилда рўёбга чиқсин.


Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Андижон вилояти

# Маҳбубахоннинг маҳорати

***Уйда туриб телефон орқали кўп ишларни амалга ошириш мумкин — қариндош ва танишлардан ҳол-аҳвол сўраш, биронта ҳаётий зарурат юзасидан зудлик билан чақиртириш, факсимил аппарат орқали матн ва сурат алмашиш, компютер алоқаси ўрнатиш ва ҳоказо. Бу ҳар кунлик одатий ҳолга айланиб қолди. Шунинг учун бўлса керак, бирон сабаб билан телефон ишламай қолгандагина, алоқачиларга мурожаат қилиш кераклиги эсга тушади. Мижоз шикоят қилмаса, демак, телефон станциясининг иши қониқарли.***

**Андижон шаҳар** телекоммуникациялар боғламасининг 46-АТС жамоаси аҳоли ва корхоналарга телефон алоқаси хизмати кўрсатиш бўйича самарали меҳнат қилмоқдалар. Жамоани ёш Маҳбубахон Ҳайдарова бошқармоқда. У авваl телефончи, коммутатор цехи бошлиғи бўлиб ишлаган. Дастлаб техникумда, сўнг Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олган.



Маҳбубахон орттирган тажрибалари, университетда олган билимларига таяниб, телефон тармоқлари ишини яхши йўлга қўймоқда. Жумладан, янги йил арафасида АТС ҳудудидаги кабелларни таъмирлаш, тақсимлаш жавонларини тартибга солиш каби катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Шаҳарга яқин бўлган Андижон туманининг Хакан қишлоғи маҳаллаларидаги телефонлар ҳам шу АТСга уланган. М.Ҳайдарова белгиланган тадбирлар бўйича ишларни электромонтёрлар, кросс ходимлари ва шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг таъмирлаш бригадаси билан биргаликда ташкил қилган. Қабулига келган мижозлар билан мулоқотда уларга вазиятни ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Кўл остидаги ходимлар билан иш юзасидан гаплашганда, юмшоқлик, айни пайтда талабчанлик билан муносабатда бўлади.

Ҳар қалай, Маҳбубахон бошчилигидаги меҳнат жамоаси фаолияти АТС қурилмалари, кабел тармоқлари анча эскирган бўлишига қарамай, уларни соз ҳолатда сақлашга уриниш ва вужудга келган носозликларни тезлик билан тугатиш йўлида олиб борилаётган ижобий ишлар туфайли Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси миқёсида кўзга ташланиб қолди. Алоқа иншоотларининг ҳолати, меҳнатни муҳофаза қилиш, мижозлар билан иш юритишда ҳам ушбу жамоада ибратли ишлар қилинмоқда.

***«Андижон Телеком» филиали Компютер-ҳисоблаш марказига кирсангиз, илгари кўрмаган қурилмаларни кўриб, ҳайрон қолишингиз табиий. Компютер фойдаланувчиси сифатида билган нарсаларингиз ҳали озлигини англаб, янги қурилмаларни созлаб, ишга тайёрлаётган мутахассисларга тасанно айтиб юборасиз.***

# «Telko» дастури амалда

**Вилоят** алоқа тармоғида биллинг марказ ташкил этила бошланганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Компютер-ҳисоблаш маркази ходимлари бу орада анчагина ишларни амалга оширдилар. Дастлаб марказ ходимлари томонидан телекоммуникациялар боғламаларига, Андижон шаҳар цехлари ва кассаларига компютерлар ўрнатилиб, ишга туширилди. "Андижон Телеком" филиали ва унинг ижроия аппарати шаҳар участкаларидаги компютерларга махсус «Telko» дастури киритилгач, улар марказ сервери орқали локал тармоқда ишлаб, ахборот алмаша бошладилар. Андижон шаҳри бўйича «08» — хизмати янгича ишлашга ўтди. Мижозлардан пул тўловларини қабул қилиш, ишламаётган телефонлар бўйича таъмирлашга буюртмалар олиш ва уларни текшириш электрон усулда амалга оширилмоқда. «08» - МТБ ва шаҳардаги АТСлар кросслари «Автоматлаштирилган таъмирлаш бюроси» мажмуини ташкил этди.



Кейинги босқич бўйича туман, шаҳар телекоммуникациялар боғламаларидаги мижозлар билан ишлайдиган компютерларга «Telko» дастурини киритиш ва созлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида уларни ажратилган махсус каналлар орқали марказий серверга боғлаш бўйича ташкилий, техникавий таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Албатта, «Telko» дастурида ишлаш ходимдан билим ва малака талаб этади. Шу боис ушбу дастур бўйича ўқишлар ташкил қилиниб, вилоятда мижозлар ҳисоб-китобини компютерда олиб борадиган ходимлар тайёрланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Компютер-ҳисоблаш марказида ўз ишининг мутахассислари, билимли ва ғайратли ходимлар йиғилган. Марказ бошлиғи Эркинжонни керак бўлса, қидиришга тўғри келади — дам ижроия аппарати бўлимларида, дам — шаҳар цехларида, бир қарасангиз — туман телекоммуникациялар боғламаларига кетган бўлади. Қўл остидаги мутахассислар ҳам ўзига ўхшаш ҳаракатчан ёшлар, кўпчилиги олий маълумотли, компютер техникаси «фанат»лари. Жумладан, Моҳирбек Мусаев дастурлаш таъминоти бўйича, Раҳимжон Саидов эса тармоқлар ишини созлаш бўйича моҳир устадир.

Янги — 2005 йилда «Андижон Телеком» филиалининг барча телекоммуникациялар тармоқларида компютерлаштириш янада юқори даражага кўтарилади. Бунда, албатта, Компютер-ҳисоблаш маркази ходимлари алоҳида ўрин тутади.

# Дилдан ишлаётган Дилфуза

***— Синглим, мен Тошкент билан гаплашмоқчиман. Ўғлим ҳарбий хизматда. Мана шу телефон орқали чақиртирса бўларкан.***

***— Хўп, ака! Неча дақиқа гаплашасиз, ўн дақиқа бўладими?..***

**Ҳар куни** эртадан кечгача сўзлашув масканларида кимдир узоқ шаҳарда ўқиётган фарзанди, яна бироз сафардаги яқинлари билан телефон орқали суҳбат қуради. Албатта, сўзлашув масканидаги телефончилар хушмуомалалик билан мижозларнинг буюртмаларини бажарадилар. Буюртма сўзлашувлар ҳажми айниқса байрам кунлари ортади. Сўзлашув масканлари телефончиларидан ҳақ олиш, сўзлашув давомийлигини аниқ белгилашда ғоятда эҳтиёткорлик талаб қилинади.



Дилфузахон Соипова худди шу нарсаларни — телефончиларнинг прейскурант асосида мижоздан ҳақ олишларини, сўзлашув вақти билан трафик маълумотлари тўғри келишини назорат қилиб боради. Шаҳар бўйича олтита сўзлашув маскани бўлса, автоматика орқали амалга оширилган барча сўзлашувлар трафиги Дилфузахоннинг қўлидан ўтади. Коммутатор цехи бошлиғи Озодахон Отажонованинг ишонч билан айтишича, 1996 йилдан буён, яъни Дилфузахоннинг иш фаолияти даврида Андижон биллинг маркази, Тошкент трафик маълумотлари ва телефончилар ҳисоботлари билан фарқ йўқ. Бу даражада ишлаш учун сабр-чидам, аниқликнинг ўзи бўлмайди. Ўз ишига масъулият билан ёндашиш, виждонан ишлаш ва ҳалоллик ҳам керак. Ушбу мезонларни Дилфузахон ўзининг шиорига айлантирган.

У ёш ҳамкасби, буюртма сўзлашувлар трафигининг назоратини олиб борадиган Насибахон Иминовага ҳам зарур бўлганда кўмаклашиб туради.

— Алоқа хизматидан фойдаланувчи мижозлар манфаатлари камситилмаслиги керак, — дейди Д.Соипова. — Ишнинг катта-кичиги бўлмайди, муҳими, ҳар бир ходим ўз ишини камчиликсиз адо этиши ва жамиятга фойда келтириши даркор.



***Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси катта телефончиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Нурдона ИСАМЕТДИНОВА ҳамкасблари ва мижозлар ҳурматини қозонган.***

Саҳифани жамоатчи мухбиримиз Раҳмонжон УЗОҚОВ тайёрлади

**“КАМАЛАК-ТВ” ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Саховатли ўзбек заминида яшаётган барча юртдошларимизни

**Янги йил билан**

чин қалбдан қутлайди.

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҚ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз аҳолиси ҳамда барча алоқачиларни

**Янги йил байрами билан**

чин дилдан муборакбод этади.

*Азиз ҳамюртлар, қадрли ҳамкасблар! 2005 йилда бахт ва омад доимий йўлдошингиз бўлсин!*

*Юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*

**“КОИНОТ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

*Барчангизни Янги йил байрами билан чин қалбдан табриклайди.*

Янги йил Сиз учун янги имкониятлар, янги ютуқ ва муваффақиятлар йили бўлиб қолсин. Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингиздан қут-барака аримасин.

**Янги йилингиз муборак бўлсин!**

**“БУХОРО ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча Ватандошларни Янги йил байрами билан қизғин қутлайди.

*Хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик ва қут-барака тилаб қоламиз.*

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Бухоро вилояти

***Муҳитдин Тўхсаев Тошкент алоқа политехникумида, кейинчалик Тошкент ахборот технологиялари университетида сиртдан таълим олган. 1999 йилгача Ромитан телекоммуникациялар боғламасида турли вазифаларда, шу жумладан, бошлиқ лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Мана, олти йилдирки, у "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро филиалининг Ромитан почта алоқа тармоғига раҳбарлик қилиб келмоқда.***

# Эзгу мақсад йўлида

**Жамоада** жами 51 нафар ходим (уларнинг 16 нафари хотин-қизлар) ишлайди. Мавжуд 13та алоқа бўлимида аҳоли ва ташкилотларга сифатли почта хизмати кўрсатилмоқда. Айниқса, Бахтиёр Эгамов, Улуғбек Шодиев, Яҳё Аслонов, Фарҳод Жумаев, Содиқ Шодиевлар бошчилик қилиб келаётган "Ўба", "Қалайчорбоғ", "Хоса", "Кўрғон Ромитан", "Янги гул" қишлоқ алоқа бўлимлари фаолиятида кейинги пайтда анча ижобий натижаларга эришиляпти. Туман почта соҳаси бўйича белгиланган режа-топшириқлар ўз вақтида бажарилмоқда.

"Кўрғон Ромитан" алоқа бўлимига раҳбарлик қилиб келаётган Фарҳод Жумаев туман почта алоқа тармоғи бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида ҳам тиним билмайди. Айниқса, Меҳр ва мурувват йилида ижтимоий муҳофаза борасидаги ишлар ўзгача кўлам касб этди. Алоқа тармоғининг 20 нафар меҳнат фахрийсига 244 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ногиронлар ва турли касалликларга чалинган ходимлар ҳам эътибордан четда қолишгани йўқ. Алоқа тармоғи ходимларининг ҳар бирига ўтган давр ичида энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида пул ажратилди.

Назорат ишлари ижтимоий муҳофаза борасида ҳам, почта хизмати сифатини яхшилаш бўйича ҳам тўғри йўлга қўйилганлиги ижобий самара беряпти. Масалан, 2005 йил учун тузилган бизнес-режада 5 банддан иборат почта хизмати сифатини яхшилаш бўйича тегишли тадбирлар ҳам ўз аксини топган. Ана шундай муҳим бандлардан бири — аҳолига қулайлик яратиш бўйича алоқа бўлимларида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув масканларини ташкил этишдан иборат бўлиб, бу муҳим иш 2005 йилнинг биринчи чораги давомида тумандаги бир йўла бешта, яъни "Ўба", "Қоқиштивон", "Кўрғон Ромитан", "Қизилравот", "Қалайчорбоғ" алоқа бўлимларида тўлиқ амалга оширилади. Бизнес-режада, шунингдек, аҳолининг талаб-таклифларини ўрганиш мақсадида уларга кўрсатиладиган қўшимча хизмат турларининг маркетинг ва мониторинг ишларини олиб бориш, даромадлар ва уларнинг турларини кўпайтириш, босқичма-босқич почта соҳасига янги технологияларни киритиш бўйича юқори ташкилотларга таклифлар билан чиқиш ҳам ўрин олган бўлиб, буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, туман почта алоқа тармоғи фаолиятини давр талаблари даражасида олиб бориш имконини беради.

Туман телекоммуникациялар боғламаси билан тузилган шартномага мувофиқ, телефондан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари бевосита хонадонларнинг ўзидан олинмоқда. Бу борада ҳам почта ходимлари фаоллик кўрсатишяпти. Яъни, телефон тўловларидан қарздорлар рўйхати ҳар беш кунда телекоммуникациялар боғламаси томонидан почта тармоғига тақдим этилади ва шу асосда иш олиб борилади. Бунда йиғиб олинган тўловларнинг 4 фоиздан 10 фоизгача миқдорини телекоммуникациялар боғламаси почта тармоғи ҳисоб рақамига ўтказади. Бундан ташқари, ҳар ойда аҳолидан табиий газдан фойдаланганлик учун 3 миллион сўмга яқин, электр қуввати учун эса 15-16 миллион сўмга яқин тўловлар қабул қилиб олинмоқда.

Ҳозирги пайтда туманда 11 минг нафар пенсионер, 98 нафар уруш қатнашчиси, 50 нафарга яқин чернобилчи ва афғон уруши иштирокчилари, 51 нафар ёлғиз қариялар истиқомат қилади. Уларга 23 почтачи томонидан ҳар ойда жами 230 миллион сўмлик пенсия ва нафақа пуллари етказиб берилмоқда. Бу борада "Қалайчорбоғ", "Хоса" ва "Тарнаул" қишлоқ алоқа бўлимларининг ходимлари — Давлатали Шаропов, Сирож Қўзиев, Рамазон Раҳмоновлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Туман алоқа тармоғида фидойилик кўрсатиб келаётган, 30 йиллик иш стажига эга бўлган Татьяна Петровцева, моҳир операторлар — Гулнора Алиева, Зевар Шодиева, малакали иқтисодчи Дилафрўз Исматова, кадрлар бўйича мутахассис Рухсат Жамоловаларнинг ҳам мақсади битта, яъни юртдошларига намунали почта хизмати кўрсатиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлиш. Ана шу эзгу мақсад ромитанлик почта ходимларини янги — 2005 йилда ҳам асло тарк этмасин, деймиз.



***"Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро филиалига қарашли 17-алоқа бўлимига салкам 22 йилдирки Шарифа Комилова (ўнгда) раҳбарлик қилиб келмоқда. Бўлим жамоаси почта хизмати кўрсатишнинг барча турлари бўйича йилдан-йилга яхши натижаларга эришяпти. Ўз фаолиятини оддий операторликдан бошлаган Ш.КОМИЛОВА ўтган давр ичида одамлар ҳурматини қозонди.***

# Қувончли йил бўлди

**2004 йил** мен учун ҳам, барча ҳамкасбларим учун ҳам ниҳоятда қутлуғ йил бўлди десам, муболаға бўлмайди. Алоқа соҳасидаги кўп йиллик камтарин меҳнатим ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Бу эса, табиийки, мени янада унумли ишлашга даъват этди, ўз вазифамга катта масъулият билан ёндашишга ундади.

Йиллар бир-бирини қувиб, умр ўтмоқда. Ҳар янги йил арафасида беихтиёр ўйга толаман. Оиламдан ҳам, ҳаётимдан ҳам, қолаверса, бир-биридан тиришқоқ ва меҳнатсевар катта-кичик шогирдларимдан ҳам кўнглим тўқ. Улар ишончимни оқлашаётганликларидан мамнунман. Ҳозир мен фаолият кўрсатаётган коммутатор цехи йилдан-йилга замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан бойиб бормоқда. Бу ердаги мавжуд олтита электрон коммутатор ишида сифат ва самарадорликка эришилаётгани боис, алоқа соҳаси ходимлари, шу жумладан, телефончиларимиз хизматидан бухороликлар ва шаҳар меҳмонлари мамнун эканлигини ҳис этишдан ҳам катта бахт йўқ.

Бутун юртимизда бўлганидек, кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳримизда ҳам телекоммуникация соҳасини ривожлантиришда кўлами кенг ишлар амалга ошириляпти. Шу йилнинг 18 декабр куни Бухорода ишга туширилган симсиз радиоалоқа тизими бунинг ёрқин далилидир.

Янги — 2005 йил муносабати билан барча ҳамюртларимга ўзимнинг эзгу тилакларимни билдираман. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлиб, ватанимиз қудрати янада мустаҳкамланаверсин!


***Олия РАҲМОНОВА,***
***Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси телефончиси***

# Беминнат хизмат кўрсатиб

**Бухоро шаҳар** телекоммуникациялар боғламасининг 222-АТСида ўз ишининг усталари талайгина. Малакали мутахассис Қобил Хўжақулов бошқараётган линия кабел хўжалигида йигирма ходим меҳнат қилади. Айниқса, таъмирлаш бригадаси аъзолари кундалик режа-топшириқларни ўз вақтида бажариб, бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти. Шомурод Қобилов, Жамол Солиҳов, Нодир Ҳамроев каби моҳир электромонтёрлар ҳамда Сайфулло Саломов, Ринат Давидов, Шахтиёр Ҳакимов сингари кабелчи-пайвандловчилар аҳолидан тушадиган буюртмаларга мувофиқ алоқа линияларидаги турли носозликларни ўз вақтида бартараф этиб боришмоқда.

222-АТС жамоаси Бухоро шаҳрининг Алпомиш, Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Саноатчилар кўчалари ва Бухоро туманидаги Усмон Юсупов номидаги ширкат хўжалигида истиқомат қиладиган жами 9,5 минг нафар мижозга алоқа хизмати кўрсатмоқда.





Ушбу станцияда, шунингдек, жойлардаги телефонларнинг меъёр даражасида бўлишини таъминлашдек муҳим ишда банд бўлган кишилар ҳам хизмат қилади. Малика Исматова ҳамда Гулнора Михайлова ана шундай масъулиятли вазифада чорак асрдан бери ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқдалар.

# Симсиз алоқа тизими

***2004 йилда Бухоро вилояти алоқачилари томонидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, якунланиб бораётган йилнинг сўнгги ойида Бухоро шаҳрида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига қарашли "Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг 5 ESS коммутатор станцияси ишга туширилди.***

**Мамлакатимиз ҳукумати** ва Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида имзоланган ҳужжатга мувофиқ, шимолий минтақаларга хизмат кўрсатувчи замонавий алоқа тизимини барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўтган давр мобайнида "Ўзбектелеком" АК мутахассислари япониялик ҳамкорлари билан беш миллион АҚШ доллари қийматидаги техник ва монтаж ишларини амалга оширдилар. Бухоро шаҳрида 20 минг нуқтали 5 ESS коммутатор станцияси ўрнатилди.

Унинг тақдимот маросимида сўзга чиққанлар мазкур симсиз алоқа тизими мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантиришда муҳим омил бўлишини таъкидлашди. Бу тармоқ нафақат вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари, балки телефонлаштирилмаган энг олис ҳудудларини ҳам қамраб олиш имконини беради.

Маросимда лойиҳани амалга оширишда иштирок этган хорижлик мутахассислар ҳамда "Ўзбектелеком" АК ва "Бухоро Телеком" филиалининг бир гуруҳ муҳандис-техник ходимларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Шундан сўнг тақдимот маросими қатнашчилари янги ишга туширилган станция билан яқиндан танишдилар. Хорижлик ва маҳаллий мутахассислар йиғилганларга коммутатор, яъни мобил ва стационар абонентларга хизмат кўрсатувчи халқаро ва шаҳарлараро станция тизими ҳақида сўзлаб бердилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

— Бундай мураккаб ва замонавий алоқа тизимини ишлатиш чуқур малака ва билим талаб қилади, — дейди "Бухоро Телеком" филиали директори Шариф Худойбердиев. — Шу боис станция ва унинг жойлардаги базаларига хизмат кўрсатувчи 23 мутахассис хорижда малака ошириб келди.

Саҳифани жамоатчи мухбиримиз Асқар ИСТАМОВ тайёрлади

# АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ "АЛОҚАБАНК" ЖАМОАСИ

*Ғўзал Ўзбекистон халқини, ҳукумати, алоқа соҳаси ходимларини ҳамда ўз мижозларини*

## Янги йил билан

*Сизни дилдан муборакбод этади.*



**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

Оилангизга тинчлик-осойишталик, дастурхонингизга тўкинлик, ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз ҳамда сизларга қуйидаги юқори даромадли омонат турларини таклиф этамиз:

**"МУДДАТЛИ"** – 3 ойдан 1 йилгача муддатга қўйилади, йиллик 28 фоиздан 30 фоизгача;
**"БАЙРАМ"** – 4 ойга, йиллик 36 фоиз;
**"МАХСУС"** – коммунал хизматлар ва телефон алоқаси бўйича тўловларни амалга ошириш учун, йиллик 30 фоиз;
**"БАХТЛИ БОЛАЛИК"** – 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар номига очилади, йиллик 30 фоиз;
**"ЯХШИ НИЯТ"** – 6 ойга, йиллик 30 фоиз;
**"ҲУМО"** – 12 ойга, йиллик 36 фоиз.

**Шунингдек, товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда қулай восита бўлган "Алоқабанк" пластик карточкаларидан фойдаланинг.**

**Даромадларингизни кўпайтиришдан мамнунмиз!**
Мурожаат учун телефонлар: 137-10-20, 137-49-36.

## "ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Саховатли ва бағрикенг халқимизни

**Янги йил шодиёнаси билан**

табриклайди.

Барча-барчангизни ушбу байрам билан қутлар эканмиз, сизларга оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик доимо ёр бўлишини тилаймиз.



**Янги йил барчангизга кувончли лаҳзалар, поклик ва муҳаббат ҳадя этсин!**

## "ЎЗИ-ЖИЗЗАХ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Кириб келаётган 2005 йил билан барча-барчани қизғин қутлайди.**

***Тинчлик, омонлик ва бахт-саодат ҳеч қачон Сизни тарк этмасин.***



**Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!**

Жиззах вилояти

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2004 йилнинг июн ойида ҳудудий бошқармамиз ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади.***

# Муҳим вазифалар масъулияти

**Дастлаб** Агентлик тизимидаги алоқа корхоналари ишларини мувофиқлаштириш мақсадида соҳада олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқдик. Айни пайтда вилоят Давлат алоқа инспекцияси, Электромагнит мослашув хизмати (ЭММХ) билан биргаликда радиочастота спектридан фойдаланиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг белгиланган давлат ва тармоқ стандартлари талаби асосида ташкил қилиниши устидан мониторинг ишларини олиб боряпмиз. "Жиззах Телеком", "ЎЗИ-Жиззах" ва "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Жиззах филиаллари раҳбарлари билан ҳамкорликда вилоятимиз ҳудудида аҳолига кўрсатилаётган телекоммуникация хизматларидан мавжуд бўлган дебитор қарзларни почта алоқа бўлимлари орқали йиғиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, телерадиоэшиттириш тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирлар бажарилишининг аҳволи бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилиб, мониторинглар ўтказилди.

Жиззах вилояти ДАИ, "Жиззах Телеком" ва "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Жиззах филиаллари мутахассислари билан биргаликда телефонлаштирилмаган почта алоқа бўлимларининг техник имкониятлари ҳисобга олиниб, телефонлаштириш чоралари кўрилмоқда. Жиззах шаҳрида телефонлаштирилган почта алоқа бўлимларида шаҳарлараро сўзлашувлар бўйича хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилмоқда ва бу ишлар 2005 йилда яна давом эттирилади.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича алоқа корхоналарида тузилган режа-тадбирлар ҳудудий бошқармамиз томонидан ўрганилди. Унга бажарилиши зарур бўлган қўшимча тадбирлар киритилди. Жумладан, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиалининг Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод туман почта алоқа тармоқлари бино томлари кузги-қишки мавсум талабларига жавоб бермаслиги сабабли режага қўшимча киритилиб, тўлиқ таъмирланди.

Ўтган қисқа даврда бир нечта ташкилот ва давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳолати бўйича ҳам мониторинг ўтказилди. Бошқармамиз ҳамкорлигида вилоят ҳокимлигининг веб-сайти очилди. Ҳокимлик биносида локал тармоқ ташкил қилиниб, 15та компьютер маълумотлар узатиш тармоғига уланди.

Вилоятдаги 437та сайлов участкаларини узлуксиз алоқа билан таъминлашни ташкил қилиш зиммамизга юклатилган эди. Ушбу вазифа ҳам бошқармамиз томонидан муваффақиятли бажарилди.

Янги — 2005 йилда олдимизга қўйилган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш учун бор имкониятлардан фойдаланамиз. Бизга билдирилган ишончни оқлаймиз, деган умиддаман.

Имкониятдан фойдаланиб барча юрт-дошларимизни жиззахлик алоқачилар номидан янги йил байрами билан табриклаб, ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

***Ҳакимжон МАМЕДОВ,***
***Агентликнинг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи***

# Меҳр-мурувватга ошуфта эл

***Халқимизда азалдан бағрикенглик, саховат ва меҳр-мурувват туйғулари қадрлаб келинган. Ўтаётган йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши ва мазкур йилда амалга оширилган маданий-маърифий тадбирлар ҳам умуминсоний қадриятларга бўлган юксак ҳурмат белгисидир.***

**Агарда** ортда қолган йўлга разм соладиган бўлсак, "Жиззах Телеком" филиалида 2003 йилда ишлаб чиқилган "Обод маҳалла йили дастури"да кўзда тутилган вазифаларни изчил давом эттирган ҳолда 2004 йилда "Меҳр ва мурувват йили" давлат дастурини бажариш, эзгулик ва меҳр-мурувват тадбирларини белгилаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этишга йил бошидаёқ киришилган эди. Жиззах вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан 65 нафар фуқаронинг хонадонларига телефон ўрнатилди, шунингдек, телефони бор, аммо моддий ёрдамга муҳтож 30 нафар фуқарога бепул электралоқа хизмати кўрсатилмоқда. Вилоятимиз алоқачилари Зомин тумани Ём қишлоғидаги Мурувват уйига ҳам телефон ўрнатиб беришди.

Вилоятимиз бўйича электралоқа тизимида ишлаб, ҳозирги кунда меҳнат нафақасида бўлганлар 29 нафарни ташкил этади. Филиалимиз маъмурияти уларни унутгани йўқ. Ҳар байрамда йўқлаб турамиз. Наврўз байрами ҳамда Қурбон ҳайити муносабати билан уларнинг барчасига моддий ёрдам маблағ ажратилди. Шунингдек, Наврўз байрамида кўп болали 29 ходимга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақи баробарида, кам таъминланган 15 ходимга эса энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий ёрдам пуллари берилди.

Корхонамиз Жиззах шаҳрининг "Зилол" маҳалласида жойлашганлиги боис маҳалладаги кам таъминланган, кўп болали олтита оилага ўн минг сўмдан, жами олтмиш минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

"Соғлиқ — туман бойлик" дейишади. Дарҳақиқат, бусиз инсон ҳеч нимага эриша олмайди. Соғлом одам самарали меҳнат қила олади. Бу ўзи ва корхонаси учун ҳам жуда муҳимдир. Мана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, юртбошимиз томонидан 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинди. Филиалимиз маъмурияти ҳам ходимлар соғлигини мустаҳкамлаш, бу борада уларга зарур шарт-шароитлар яратишга, албатта, ўз эътиборини қаратади.

***Файзи МЎЛДАНОВ,***
***"Жиззах Телеком" филиали телекоммуникациялар бўлими етакчи муҳандиси***

***"ЎзИ-Жиззах" филиали Жиззах шаҳрининг марказидаги кўзга кўринарли бинода жойлашган. Алоқа тизимини ривожлантиришга қатъий бел боғлаган жиззахлик алоқачилар бу йил бинонинг ташқи қисмида таъмирлаш ишлари олиб боришди.***

# Фаолиятимиз дастурга асосланган

**Жорий йил** давомида филиалимизда "Ўзбектелеком" АК томонидан тузилган "Кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини ошириш дастури" доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Таъмирлаш ишлари режа асосида олиб борилиб, 5 километр магистрал, 11 километр тарқатувчи ҳамда 43 километр тарқатиш кабеллари жорий таъмирланди. Барча магистрал кабеллар доимий ҳаво босими остига қўйилган бўлиб, уларнинг герметиклик даражаси техник меъёрга тўғри келади.

Шаҳардаги мавжуд бешта АТСдан учтаси электрон русумдаги, иккитаси координатали АТСдир. Асосий телефонлар сони 14780тага етказилди. Координатали АТСларда станцияларараро боғланишларни техник меъёр даражасига келтириш мақсадида 2 ва 4-АТСлар оралиғида 3,3 километрлик оптик-толали кабел ётқизилди ва қўшимча стацияларараро боғловчи каналлар сони 60тага оширилди. Алоқа линияларининг электр линиялари билан хавфли кесишмалари аниқланиб, бартараф этилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги билан боғлиқ ишларга аҳамият берилиб, иш жойлари замонавий ҳимоя воситалари билан таъминланди. Корхонамизнинг марказий сўзлашув маскани "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали биносида жойлашган бўлиб, ундан фойдаланилганлик учун ижара ҳақи тўлардик. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида филиалимизга қарашли бинонинг 1-қавати тўлиқ таъмирланиб, бу ерга мазкур сўзлашув маскани, ривожлантириш ва паспортлаштириш бўлими, мижозлар бўлими кўчирилди. Бу, ўз навбатида, мижозларга қулайлик яратди. Олтинчи ва тўртинчи АТСларда монтёрлар учун зарур шарт-шароитлари бўлган хоналар тайёрланди. Иккинчи АТС биноси ўрнида янгиси қурилди.

Барча АТСларда ёнғиндан дарак берувчи сигнализациялар ўрнатилиб, уларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузилди. Маҳаллий тармоқдаги мавжуд алоқа иншоотларини паспортлаштириш ишлари олиб борилди. Филиал даромадини ошириш мақсадида Жиззах шаҳридаги аҳоли гавжум жойларга шартнома асосида таксофонлар ўрнатилди ва қўшимча шаҳарлараро сўзлашув масканлари очилди. Шаҳардаги почта алоқа бўлимларини телефонлаштириш ишлари якунланди.

2005 йилда "ЎзИ-Жиззах" филиали телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасида устувор вазифаларни белгилаб олган. Келгусида 6000 рақамга мўлжалланган координатали АТСни ҳамда Ҳамид Олимжон маҳалласидаги АТСни реконструкция қилиш, электрон станцияларнинг сиғимини кенгайтириш ишлари олиб борилади.

***Насиба ГАИРОВА,***
***"ЎзИ-Жиззах" филиалининг маркетинг бўлими менежери***

# Умрнинг ҳар лаҳзаси гўзал...

***Алоқа соҳасида иш бошлаганимга 40 йил тўлибди. Шу вақт ичида қувончли кунларни ҳам, ташвишли онларни ҳам бошимдан ўтказдим.***



**Ҳаётимдан миннатдорман.** Ўтган олтмиш йиллик умрим давомида жуда кўплаб яхши одамларга рўбарў келдим. Тошкент электротехника алоқа институтини тугатгач, йигитлик бурчимни ўташга жўнадим. Буни қарангки, армияда ҳам алоқачилар қисмида хизмат қилдим. Ғаллаорол тумани алоқа боғламасида иш бошлаганимда, боғлама бошлиғи Ғайбулла Жўлбеков менга устозлик қилди.

Одам ўз олдига мақсад қўйиб интилса, шунга эришаркан. Ўша пайтлари, аниқроғи, 1972 йилда, туман марказида ўнта 120 нуқтали коммутатор бор эди, холос. Шаҳарлараро телефон алоқаси В-3-3 ва В-12-2 алоқа воситалари, телеграф алоқаси эса СТ-35 усқунаси орқали амалга ошириларди. Ўзим туғилиб ўсган Ғаллаорол туманида замонавий "Алоқа уйи" бўлишини, аҳоли учун автомат телефон станциялари хизмат қилишини хоҳлар эдим. Анча елиб-югуришлардан сўнг раҳбарият ва ҳамкасблар кўмагида "Алоқа уйи" биносини қуриш ҳамда АТС ўрнатиш ишларига киришдик. Бунга турли сабаблар билан ўн йилдан зиёд вақт кетди. Ҳозирда ғаллаороллик-ларнинг хоҳлаган жойларига телефон қилишларига имконият яратилган.

Бир қанча муддат Жиззах вилоят алоқа техникаларидан фойдаланиш тармоғи, алоқа бошқармаси, почта алоқа корхонасига раҳбарлик қилдим. Соғлигим ёмонлашгани сабабли 1992 йилдан буён қадрдон Ғаллаорол телекоммуникациялар боғламасида турли вазифаларда меҳнат қилиб келяпман.

Алоқа соҳасида ўтган қирқ йиллик фаолиятим давомида кўплаб дўстлар орттирдим. Айниқса, шогирдлардан кўнглим тўқ. Вилоятимизнинг қайси бир туманига бормай, мени, "Келинг, устоз", дея кутиб олишади. Ана шундай дамда кўнглим кўтарилиб, ёшариб кетгандай бўламан. Умрим беҳуда ўтмаганидан қувонаман.

Яратганга шукр, олти нафар фарзандим, ўн нафар неварам бор. Ўғилларим — Шуҳрат ва Шароф, касбимни давом эттиришмоқда. Турмуш ўртоғим ҳам 26 йил алоқа соҳасида ишлаб, нафақага чиқди.

Китоб ўқишни яхши кўраман. Шахсий кутубхонам бор. Раҳматли қайнотам "Ўқиганингни миянгга жойла, у катта бойлик, уни ҳеч ким сендан тортиб ололмайди", дея кўп такрорларди. Мен ҳам фарзандларим, невараларимга шу гапни тез-тез айтиб тураман.

Умрни оқар сувга қиёслашади. Вақтнинг ҳар бир лаҳзаси эса бебаҳо. Уни ортга қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам улуғлар "Вақтинг кетди, нақдинг кетди", дея бежиз айтишмаган.

Тинч, осойишта ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқаси олтинга тенг. Унинг қадрига етиб яшайлик, азизлар.

***Абдумажид САВУРБОЕВ,***
***"Жиззах Телеком" филиали Ғаллаорол телекоммуникациялар боғламасининг муҳандиси***

Саҳифани Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади

**РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*Гўзал Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2005 йил билан муборакбод этади.*

*Дастурхонингиз ҳамиша тўкин, ризқингиз бутун, юрт ободлиги ва озодлиги боқий бўлсин! Ўтиб бораётган ҳар бир лаҳзалар ҳаётингизга мазмун бахш этсин.*



**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!**

**"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Юртдошларимизни

**Янги йил билан**

қизғин табриклайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, хонадонингизга қут-барака, ишларингизда янги-янги зафарлар тилаймиз.

Оппоқ қор каби пок туйғулар сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

**"НАВОИЙ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

***Янги — 2005 йил билан барчангизни чин қалбдан табриклайди.***



*Тугалланган йилдаги эзгу амалларингиз Янги йилда ўз мевасини берсин.*

***Келгуси ишларингизда муваффақиятлар сизга ёр бўлсин, азизлар!***

**"EAST TELEKOM" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*Ўзбекистон халқини ва ҳамкорларини*

**Янги йил айёми билан**

*қутлайди.*

***2005 йил қалбингизга илиқлик, хонадонингизга тотувлик олиб кирсин.***

Олдингизга қўйган эзгу мақсадларингизни амалга оширишингизда сизга куч-қувват ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.



*Байрамингиз қутлуғ бўлсин!*

Навоий вилояти

# "Навоий Телеком"нинг янги марралари

***Бугунги кунда "Навоий Телеком" филиали мустақил тузилмавий бирлик сифатида 10та шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларини бирлаштириб турибди. Улар тасарруфидаги 58,6 минг абонентга мўлжалланган рақамли ва аналог станциялар вилоятда сифатли телефон алоқа хизмати кўрсатилишини таъминламоқда.***

**Якунланаётган йилда** Навоийлик алоқачилар вилоят телефон алоқа тизимини рақамли АТСлар билан жиҳозлаш бўйича 1998 йилда OECF-1 лойиҳаси ҳамда 2003 йилда ўзлаштиришга киришилган JBIC лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ишларини муваффақиятли давом эттиришди. Мазкур халқаро лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишлар кўлами эса жуда кенг. Навоийлик Турсун Олимов, Рашид Қаюмов, Худойқул Искандаров, Яздон Бегимов, Абдуолим Холиқулов каби мутахассислар Токиода малака ошириб қайтишди. Аҳроров, Ҳусан Қаюмовларнинг Хитойда малака ошириб қайтганликлари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Лойиҳани амалга оширишда Худойқул Искандаров, Айдер Юлдашев, Акром Абдураҳмонов, Парахат Бекпенбетов сингари раҳбар ва мутахассислар юксак касб маҳоратларини намойиш этишди.

"Навоий Телеком" филиали жамоаси юксак касб маҳоратига, чин инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар ва мутахассислари билан ҳақли равишда фахрланади. Корхона директори Бозорали Тунгишбоев салкам 30 йилдан буён тармоқда, шундан 18 йили раҳбарлик вазифаларида ишлаб келмоқда. Электралоқа бўлими бошлиғи Рашид Қаюмов 40 йиллик иш тажрибасидан ёшларни баҳраманд қилмоқда.



Икки йил мобайнида мураккаб геологик шароитларда 384 километр масофага оптик-толали кабел ётқизилди. 11та NEAX-61E русумли АТСнинг энг замонавий ва ўта сифатли ускуналари монтаж қилинди. Бу ишни "Навоий Телеком" мутахассислари хорижлик ҳамкорлари билан биргаликда амалга оширишди.

Рақамли станциялар ишга туширилиши билан кўрсатилаётган алоқа хизматларининг сифати кескин яхшиланди. Улар ўн минглаб мижозлар учун энг қулай восита бўлиб қолди. 2610та каналга эга бўлган NEAX-61E русумли электрон автоматик шаҳарлараро телефон станциялари яқин ва олис хорижга чиқиш имкониятларини 300 мартага оширди. Қўшимча сервис хизматлари пайдо бўлди.

Вилоятда OECF-1 лойиҳаси дастури бажарилиб, янги JBIC лойиҳаси жадал ўзлаштириляпти. Ўтган даврда энг олис туман марказлари — Нурота, Томди, Учқудукда умумий узунлиги 300 километрдан ортиқ оптик-толали кабел ётқизилди. Зарафшон шаҳрида 5000 рақамли АТСдан ташқари яна иккита 3500 ва 3000 рақамли АТСлар ишга туширилди. Учқудуқ туманида ҳам 3000 рақамли янги АТС фойдаланишга топширилиши билан шаҳарликлар халқаро телекоммуникациялар тармоғига эркин чиқиш имконига эга бўлишди. Томдида ҳам иккита замонавий АТС ишга тушди. Қизилтепа, Нурота, Навбаҳор, Кармана туманларидаги Бўстон, Фозғон, Дебаланд, Қалқонота, Нарпай ва Фарҳод қўрғонларида Хитойда ишлаб чиқарилган энг замонавий АТСлардан фойдаланиш бошланди. JBIC лойиҳаси бўйича янги авлодга мансуб умумий ҳажми 12200 мижозга мўлжалланган рақамли электрон станциялар фойдаланишга топширилди. Бунда Комил Иброҳимов, Эркин Назаров, Отажон Абдураҳмонов, Зариф Филиалнинг барча бўлинмаларида ўз касбининг чинакам усталари бор. Улар ўз ишига меҳр қўйиб, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишган. Энг асосийси, уларнинг ўз вазифаларига катта масъулият билан ёндашуви филиал жамоасининг меҳнат натижаларида ўз ифодасини топаяпти. Масалан, 2003 йили филиал бўйича хизматлар ҳажми 2,9 млрд. сўмдан ошганди. Тариф даромадларининг ўсиши 127,9 фоизга етди. Режадагидан 16,1 фоиз ортиқ пуллик хизмат кўрсатилди. Асосий телефон аппаратларини ривожлантириш бўйича топшириқ бир ярим баробар ошиғи билан уддаланди. Якунланаётган йил сарҳисоблари эса юқоридаги кўрсаткичлар янада салмоқли бўлишидан далолат бермоқда.

"Навоий Телеком" филиали жамоасининг 2005 йилги марралари эса янада залворли, уларнинг ҳам муваффақиятли забт этилишига шубҳа йўқ. Чунки, навоийлик алоқачилар буни бир неча йиллардан буён амалда исботлаб келишяпти.

**Почта** алмашинуви Тошкент билан ҳаво йўли орқали икки йўналишда — Навоий ва Зарафшон шаҳарлари аэропортлари орқали амалга оширилмоқда. Вилоят бўйича ҳафтада икки маротаба — сешанба ва жума кунлари Учқудуқ ва Зарафшон почта алоқа тармоқларига автомашина орқали почта алмашинуви ўтказиляпти.

Корхона моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳам ижобий натижаларнинг бош омилларидан бўляпти. Айни пайтда бу ерда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тежамкор автоуловлар хизматидан фойдаланилмоқда. Шу туфайли олис чўл ҳудудларига ҳам почта ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Навоий филиали бошқарув аппаратидагина эмас, балки туман, шаҳар почта алоқа тармоқларида ҳам ишни бошқаришнинг компютер тизими жорий этилган. Филиал бошқаруви ва почта алоқа тармоқларида жами қирқдан ортиқ компютер, факс аппаратларидан фойдаланиляпти. Бу иш самарадорлиги ва сифатининг юқори бўлишига олиб келмоқда.

Аҳолига ноанъанавий хизмат кўрсатиш турлари тобора ортиб бормоқда. Навоий шаҳар почта цехининг амалиётлар бўлимига кирганимизда бунга гувоҳ бўлдик. Мижозлар бу ерда анъанавий почта хизматларидан фойдаланиш билан бир қаторда нусха кўчиришдан тортиб, Интернетга уланишгача бўлган хизматлардан ҳам фойдаланишяпти.

Қисқа қилиб айтганда, навоийлик почтачилар мижозларга аввалдан кўрсатилиб келинаётган хизматлар, жумладан, хат-хабарларни, жўнатма ва телеграммаларни қабул қилиш, эгаларига етказиш, вақтли матбуот нашрларига обуна ташкил қилиш ва чакана савдони амалга ошириш, пул жўнатмалари қабул қилиш ва уларни тўлаш, пенсия тўловини амалга ошириш кабилар билангина чекланиб қолишмаяпти. Булардан ташқари, аҳолидан табиий газ, суғурта маблағлари, электр қуввати ва телефон хизмати бўйича тўловларни йиғиш билан шуғулланишяпти. Бу борада вилоят электр тармоқлари, суғурта ташкилотлари, "Навоийгаз" ҳамда "Навоий Телеком" филиали билан алоҳида шартномалар имзоланиб, ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Навоий ва Зарафшон шаҳарларидаги алоқа бўлимларида ва почта алоқа тармоқлари марказий залларида халқаро сўзлашув масканлари очилган. Бундай масканларни барча алоқа бўлимларида очиш юзасидан муайян тадбирлар амалга ошириляпти.

Биз янги йил арафасида Навоий филиалида бўлганимизда ҳар доимгидек қайноқ иш жараёнининг устидан чиқдик. Мутахассис-хизматчилар катта масъулият билан меҳнат қилаётганликларига гувоҳ бўлдик. Филиал раҳбари Усмон Жумаевдан якунланаётган йил натижалари ва келгуси йил режалари тўғрисида сўрадик.

— 2004 йилда барча кўрсаткичлар бўйича сезиларли ўсишга эришилди, — деди филиал раҳбари. — Лекин бу биз учун янгилик эмас, негаки ишлаб чиқариш суръати ва сифатини йилдан-йилга ошириб бориш жамоамиз учун анъанага айланган. Бу йил ҳам анъанамизга содиқ қолдик. 2005 йилда ҳам почта хизмати кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаб боришни олдимизга бош вазифа қилиб қўйганмиз.

Газетхонларни, барча ҳамкасбларимизни янги йил байрами билан самимий табриклайман. Уларни соғлик-саломатлик, яхши кайфият ҳеч қачон тарк этмасин. Янги йилда неки орзу-мақсадлар қилишган бўлса, барчаси амалга ошсин!

# Вилоят почтачилари анъанага содиқ

***Навоий ҳудудий жиҳатдан мамлакатимиздаги энг йирик вилоят ҳисобланади. Унинг ҳудуди 110,99 минг квадрат километр бўлиб, деярли Ўзбекистоннинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Бу эса почта хизмати кўрсатишда ўзига хос қийинчиликларни вужудга келтирмасдан қолмайди. Масалан, Учқудуқ ва Томди туманлари вилоят марказидан 300 километргача узоқда жойлашган. Олис туманларда жойлашган қишлоқ ва овулларга почта хизмати кўрсатиш янада катта куч-ғайрат талаб қилади. Бу борада барча имкониятлар ишга солиняпти.***

# "Тошкент почтамти" филиали жамоаси

Халқимизни ва барча алоқачиларни юртимизга тўкинлик, қут-барака олиб келаётган Янги йил билан муборакбод этади.

Азиз ватандошлар! Қилган барча тилакларингиз ижобат бўлсин. Ўртамиздаги меҳр-оқибат ришталари ҳеч қачон узилмасин.

Марҳабо, Янги йил!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Янги йил шодиёналари билан

барча юртдошларимизни, шу жумладан, алоқачиларни чин юракдан табриклайди.

Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга файзу барака, ишингизга улкан зафарлар тилашдан ғоят бахтиёрмиз!

Жонажон Ўзбекистонимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

DAEWOO UNITEL

www.unitel.uz

Компания Daewoo Unitel поздравляет жителей и гостей Узбекистана с наступающим

Новым годом!

Желаем Вам здоровья, счастья, благополучия! Пусть в новом году сбудутся все Ваши мечты!

Не изменяя традициям, Unitel в новом году будет предоставлять только качественную сотовую связь для Вас, Вашей семьи и Вашего бизнеса.

Не забудьте подарить к Новому году своим близким радость общения от Unitel.

DAEWOO UNITEL

**Головной офис:**
г.Ташкент, ул. Бухоро, 1. Тел: 185-00-22.
Филиал в отеле «Interkontinental»: г.Ташкент, ул. Амира Темура, 107а. Тел: 185-09-80.

**Региональные офисы компании:**
Андижан: 53-00-55, Бухара: 223-05-36, Денау: 2-40-49, Зарафшан: 572-08-73, Карши: 221-15-02, Коканд: 2-33-30, Навои: 223-89-00, Наманган: 14-00-55, Нукус: 222-71-24, Самарканд: 24-00-55, Термез: 7-52-19, Ургенч: 226-48-48, Фергана: 24-10-31.

Лицензия: РТ № 0000122

Наманган вилояти

# Янги йил муваффақиятлар келтирсин

***"Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Наманган филиалида 11та туман ва битта шаҳар почта алоқа тармоғи мавжуд. Уларнинг таркибидаги 203та почта алоқа бўлими аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг почта хизматига бўлган эҳтиёжи учун белгиланган режа-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда.***

**Корхонада** жорий йилда кўрсатилган хизматлардан олинган даромад ҳажми бўйича ўтган йилга нисбатан ўсишга эришилди. Жумладан, хатхабарлар 108,2 фоизга, пул жўнатмалари 101,2, жўнатмалар 110,7, матбуот тарқатиш 138, телеграммалар қабул қилиш 142,9 ва бошқа ноанъанавий хизмат турлари бўйича режалар 138 фоизга бажарилди. Филиалнинг 2004 йилдаги молиявий хўжалик фаолияти якунлари 8,0 миллион сўм фойдани ташкил этиши мўлжалланмоқда.



Шунингдек, филиалда йил давомида иш сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, қўшимча даромадларни кўпайтириш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш, иш жойларини меҳнат талабларига мослаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ўз вақтида амалга оширилиб борилди. Уларнинг ўртача иш ҳақи республикада белгиланган энг кам иш ҳақига нисбатан 6,5 баробарга кўтарилиб, жамоа шартномасининг ушбу бандини бажаришга эришилди. Қувонарлиси, вилоятда 2004 йил, 24 декабр куни шу ой учун пенсия тўловлари ўз эгаларига етказилиши таъминланди.

Аҳолининг коммунал тўловлардан бўлган қарзларини почта алоқа бўлимлари, хабарчилар орқали қабул қилишга алоҳида эътибор берилиши натижасида ушбу хизмат ҳажми ўтган йилга нисбатан 3,5 баробарга ошди. Шу билан бирга, "Наманган Телеком" филиали билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада почта алоқа бўлимлари орқали аҳолидан телефон тўловларини ва телеграммалар қабул қилиш ҳамда шаҳарлараро сўзлашувларни ташкил этиш ҳажми ўсди.

Филиал томонидан почта тармоқларида таъмирлаш ва ободончилик ишлари ҳам самарали олиб борилди. Жумладан, Наманган шаҳар почта алоқа тармоғи биносини капитал таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Шу кунгача, 1,5 километр масофали қувур ётқизилиб, бинога ичимлик суви олиб келинди. Иш жойларини меҳнат муҳофазаси талабларига мослаштириш ҳамда ходимларга қулайликлар яратиш мақсадида бинонинг иситиш тизимлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Чортоқ, Учқўрғон, Норин, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Уйчи почта алоқа тармоқларининг марказий бинолари ҳамда Наманган шаҳар почта алоқа тармоғига қарашли тўртта алоқа бўлими, Тошбулоқ, Чуст, Норин почта алоқа тармоқларининг иккитадан алоқа бўлимлари ҳам таъмирланди. Шунингдек, почта алоқа бўлими бинолари учун 35та газ ҳисоблагич ва 1950 метрдан ортиқ газ қувурлари олиниб, газлаштириш ишлари олиб борилди.

Мана 2004 йил ҳам ниҳоясига етмоқда. Мазкур йилда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгуси режаларни белгилаб олиш ҳаракатида юрибмиз. Мижозларга сифатли почта хизмати кўрсатиш, бу орқали корхонамиз даромадини янада ошириш борасида 2005 йил биз учун муваффақиятлар йили бўлишига ишончимиз комил.

Фурсатдан фойдаланиб, барча почта ходимларини ҳамда юртдошларимизни янги йил байрами билан қутлаймиз. Хонадонларида ҳамиша тўй-томошалар бўлсин!

***Зокиржон АҲМЕДОВ,***
***Наманган филиалининг режалаштириш бўлими бошлиғи,***
***Абдусамат МАМАДИЕВ,***
***филиал бош ҳисобчиси***



***Наманган шаҳридаги 26-шаҳарлараро ва халқаро автомат телефон станцияларига "Алкател" (Германия) компаниясининг электрон ускуналари ўрнатилганига қарийб 10 йил бўлмоқда.***

***— Ушбу замонавий станциялар сўзлашув ҳамда ўзаро боғланиш сифатини ошириш билан бирга мижозларга қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятини ҳам яратди, — дейди Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғининг ўринбосари Азимжон ҲОЖИМИРЗАЕВ. — Мутахассис ходимларимиз ҳам мазкур станцияларни ишлатишда ҳеч қандай муаммога дуч келишмайди.***


4:00 "Доброе утро, Россия!".
6:00 ВЕСТИ.
6:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
6:20 "Студия "Здоровье".
6:50 Всероссийская лотерея "ТВ Бинго шоу".
7:10 "Диалоги о животных".
8:00 "Вокруг света".
9:00 "Пирамида".
9:30 "Городок". Дайджест. Развлекательная программа.
10:05 "Сам себе режиссер".
11:00 "Загадочная жизнь Николая Островского".
12:00 ВЕСТИ.
12:20 "Фитиль N25". Сатирический тележурнал.
13:10 Звезды России в игре "Форт Боярд".
14:55 "Комната смеха".
15:55 "Лучшие песни". Михаил Танич. Юбилейный вечер с участием Ларисы Долиной, Льва Лещенко, Лаймы Вайкуле, Валерия Леонтьева и других.
18:00 ВЕСТИ.
18:25 Х/ф "Интуиция"
20:10 Боевик "Смертельное оружие - 2"
22:25 Остросюжетный фильм "Черная дыра"

**НТВ**

5:50 Фильм-сказка "КАЩЕЙ БЕССМЕРТНЫЙ"
6:50 "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ТОМА СОЙЕРА И ГЕКЛЬБЕРРИ ФИННА", 2-я серия
8:00 "СЕГОДНЯ"
8:15 Мультфильмы "КАК ОБЕЗЬЯНКИ ОБЕДАЛИ", "ОБЕЗЬЯНКИ И ГРАБИТЕЛИ"
8:35 Комедийный сериал "2,5 ЧЕЛОВЕКА"
8:55 "БЕЗ РЕЦЕПТА".
9:30 "ДИКИЙ МИР"
10:00 "СЕГОДНЯ"
10:15 Х/ф "БОЛЬШОЙ ПРИЗ"
13:00 "СЕГОДНЯ"
13:20 "ВОЕННОЕ ДЕЛО"
14:00 Комедия "ХОЧУ В ТЮРЬМУ"
16:00 "СЕГОДНЯ"
16:20 "ДАЧНИКИ"
16:55 "СВОЯ ИГРА"
17:50 Комедия "ПОСЫЛКА С МАРСА", 2-я серия
19:00 "СЕГОДНЯ"
19:30 Х/ф "БЫСТРЫЙ И МЁРТВЫЙ"
21:30 "ФАКТОР СТРАХА-III". Экстремальное шоу
22:25 Х/ф "ОФИЦЕР И ДЖЕНТЛЬМЕН"

**"O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI" ЖАМОАСИ**

Янги – 2005 йил билан

барча алоқа соҳаси жонкуярларини чин дилдан табриклайди.

**Эзгу ниятларингиз ижобат бўлишига тилакдошмиз. Янги йилда сизга янги ютуқлар тилаймиз.**

*Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!*

**"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Кириб келаётган

**Янги йил билан**

**ҳамюртларимизни муборакбод этади.**

*Мухтарам юртдошлар, азиз ҳамкасблар! Йил бўйи юзингиздан табассум, хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик аримасин.*

**Янги йил Сиз учун зафарлар, бахт ва шодлик йили бўлсин!**

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни*

**Янги йил байрами**

*билан қутлайди.*

**Сизга боқий умр, тинчлик, омонлик, бахт-саодат ҳамроҳ бўлсин. Қутлуғ хонадонингиздан файзу барака ва рўшнолик аримасин.**

*Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!*

**"ЎЗИ-САМАРҚАНД" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Юртимиз аҳолиси ва барча ҳамкасбларни Янги йил байрами билан қизғин қутлайди.**

*Хонадонингизда доимо тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровон ҳаёт ҳукм сурсин.*

**Янги йил Сизларга омад ва улкан зафарлар келтирсин!**

Самарқанд вилояти

# Янги йилга янги ютуқлар билан

***Ўтаётган йилда бирор бир эътиборга молик натижага эришилган бўлса, кейинги йилги фаолият ҳам шунга монанд унумли ва мазмунли бўлади. Янги йилни янги ютуқлар билан кутиб олиш одатига амал қилган самарқандлик алоқачилар 2005 йилни яхши кайфиятда бошлашмоқда. Чунки 2004 йилги натижалар уларни янгидан-янги марралар сари чорламоқда.***

## Алоқа сифатини яхшилаш учун



***Муҳаммади САМАДОВ, "Самарқанд Телеком" филиали директори:***

— **2004 йили** Каттақўрғон ва Ургут шаҳарлари аҳолиси электрон АТСлар хизматидан баҳраманд бўлишди. Самарқанд шаҳридан Пастдарғом, Гўзалкент, Каттақўрғон, Нарпай, Иштихон, Оқдарё ва Булунғур туманлари марказларига "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" томонидан 210 километрлик оптик-толали телефон кабеллари ўтказилди. Ҳар бир туман марказининг алоқа биносида алоҳида хона ажратилиб, оптик-толали кабелларни улаш учун электрон СТМ-1 асбоб-ускуналари ўрнатилди. Албатта, амалга оширилган бу ишлар алоқа сифатининг яхшиланишига олиб келди.

Вилоятда телефон хизматлари кўрсатишдан олинган даромад 2003 йилга нисбатан 137 фоизни, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларидан тушган даромад эса 134 фоизни ташкил этди. Бунга Самарқанд вилояти бўйича кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани, провайдерларга телефонларнинг ижарага берилиши сабаб бўлди. Ушбу провайдерлар орқали қишлоқларда шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари шахобчалари кўпайтирилди.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2004 йили вилоят бўйича, Самарқанд шаҳридан ташқари 200 нафар жисмоний шахс билан шартнома тузилиб, сўзлашув шахобчалари ташкил этилди. Янги йилда симсиз радиотелефон асбоб-ускуналарини ўрнатган ҳолда телефонлашмаган жойларда алоқа тизимини йўлга қўйиб, провайдерлар сонини яна 100 нафарга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2005 йилда "Ўзбектелеком" АК ташаббуси билан вилоятдаги барча туман марказларидаги 24700 рақамли эски аналог АТСлар Хитойнинг "Хуавей" компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий электрон АТСларга алмаштирилиши режалаштирилмоқда. Қилинажак ишларнинг барчаси аҳолини сифатли алоқа билан таъминлабгина қолмай, корхона даромадларининг ошишига, ходимлар ижтимоий муҳофазасининг яхшиланишига олиб келиши шубҳасиздир.

## Соҳа тараққиёти йўлида

***"Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Самарқанд филиалида 15та почта алоқа тармоғи, 388та почта алоқа бўлими мавжуд бўлиб, 1500 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилади.***



**Корхона** 2003 йилнинг 9 ойлигини 60 млн. сўм зарар билан якунлаганди. Кўрилган чора-тадбирлардан сўнг йил якунига қадар зарар тўлиқ қопланди. 2004 йилда эса деярли барча кўрсаткичлар бўйича режа бажарилди ва фойда билан чиқилди. 2003 йили 7 ҳолатда пул ўғирликлари қайд этилган бўлса, 2004 йили бундай салбий ҳолатларга йўл қўйилмади.

— Тугалланаётган йилда вилоят бўйича тўртта почта алмашинуви участкаси ташкил қилиб, учта янги машина сотиб олдик, — дейди филиал директори Усмон Маҳмаризаев. – Бухгалтерия ва кадрлар бўлимининг марказлашуви муносабати билан 10 дона компьютер сотиб олинди. Шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" АЖ томонидан тақдим этилган 16 дона компьютерни туманларга тарқатдик.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан корхона томонидан ёрдамга муҳтож оила ҳамда ногиронларга бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. "Энг саховатли оила" ва "Энг мурувватли корхона" танловлари ҳам вилоятда кенг миқёсда ўтказилди. Ушбу тадбирларда 20 оила ҳамда 16 почта алоқаси тармоғи иштирок этди.

Янги йилда Самарқанд шаҳри ва Каттақўрғон, Ургут, Самарқанд, Пастдарғом туманларида Интернет-кафелар очиш режалаштирилган. Шунингдек, Булунғур ва Иштихон почта алоқа тармоғи учун янги бино қуриш, қолган туманлар биноларини эса тубдан таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Корхона 2005 йилда битта почта алмашинув участкасини қуриш ва бешта янги автомашина сотиб олишни мўлжалламоқда. Хуллас, вилоят почтачилари олдида соҳа тараққиётига улуш қўшадиган қатор режалар турибди. Унинг амалга оширилиши учун эса барча имкониятлар мавжуд.

***Янги – 2005 йил мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинганидан барчанинг хабари бор. Соғлом турмуш тарзига эришиш учун биринчи навбатда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш керак. Бунга аҳолини жалб қилишда эса фахрланса арзийдиган спортчилар ва спорт жамоаларининг мавжудлиги катта аҳамият касб этади.***

## Алоқачиларнинг фахрли жамоаси

**Самарқандда** шундай фахрга лойиқ "ЎЗИ-Самарқанд" воллейбол жамоаси бор. Ушбу жамоа республика биринчилигида саккиз маротаба чемпионликни қўлга киритган, бир маротаба эса кумуш медал билан тақдирланган.



— Спортчиларимизнинг машғулот олиб боришларида, кийим-кечак ва спорт анжомлари билан таъминланишида ҳомийларимизнинг, шахсан "Ўзбектелеком Интернейшнл" қўшма корхонаси бош директори Ҳикмат Ҳакимов ва "ЎЗИ-Самарқанд" филиали директори Герасим Лининг ёрдамлари катта бўлмоқда, — дейди жамоа бош мураббийи Антон Ким. – Республика бўйлаб мусобақаларда иштирок этишимиз учун автобус билан таъминлашган. Хуллас, чемпионликни қўлга киритиш учун бизга ҳеч нарса халақит қилмайди.

Айни пайтда жамоада ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойлардан болалар йиғилиб, кўрикдан ўтказилмоқда ва уларнинг энг муносиблари жамоага таклиф этилмоқда. Улар бир йил деганда асосий таркибдан ўрин олишяпти.

Волейбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосини ҳам "ЎЗИ-Самарқанд" аъзолари ташкил қилади. Жумладан, Руслан Ҳамидуллаев, Марат Турсунов, Аскар Қосимов, Александр Рыбалкин, Андрей Плотмир, Алибек Лапасов, Сергей Власов ва Сухроб Ёдгоровлар мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Жамоа айни пайтда давом этаётган республика чемпионатида биринчи ўринда бормоқда. Янги йилда чемпионликни қўлга киритишдан ташқари, май ойида Филлиппинда бўлиб ўтадиган клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиш ҳам режалаштирилган. Бу йўлда жамоага зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

## СЎЗ — МУТАХАССИСЛАРГА:

***Замира МЎМИНОВА, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Самарқанд филиали директорининг биринчи ўринбосари:***

— **Почта соҳасида** ишлаётганимга 27 йилдан ошди. Шу давр мобайнида турли лавозимларда ишлаб, тажриба орттирдим. Бунинг учун, аввало, устозларимдан бекад миннатдорман. Зикия Сейтусманова, Марина Тихонина, Толиб Пўлатов каби устозларимдан кўп нарсани ўргандим. Улардан олган билим ва кўникмаларим иш фаолиятимда жуда ҳам қўл келмоқда.

Айни пайтда туманларда почта эксплуатацияси ишларини яхшилаш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Жойларга чиқиб, аҳолининг почта хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш йўллари ҳақида алоқа бўлимлари ходимлари билан суҳбатлар уюштириб турибмиз. Янги йил олдидан ходимларимизнинг кайфиятлари яхши. Уларни руҳлантириш мақсадида корхона томонидан моддий ёрдамлар кўрсатиляпти.

Байрам муносабати билан вилоят почта ходимлари номидан мамлакатимизнинг барча алоқачиларини самимий табриклайман. Бахт-саодат, соғлиқ-омонлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азиз ҳамкасблар!

***Зулхумор ЭРҒАШЕВА, "ЎЗИ-Самарқанд" филиали электралоқа бўлими бошлиғи:***

— **Соҳага** кириб келишим жуда қизиқ бўлган. 1980 йил — мактабни энди тугатган пайтларим эди. Вилоят газеталарининг бирида иш юритувчи вазифасига ишга қабул қилишаётгани тўғрисидаги эълонга кўзим тушиб қолди. Синовда қатнашиб кўришга қарор қилдим ва унда муваффақиятли иштирок этиб, Самарқанд шаҳридаги АТСларнинг бирига ишга қабул қилиндим. Бир йил ўтиб, йўлланма билан Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирдим. Ўқишни тамомлаганимдан сўнг шаҳардаги 30-АТСда катта электромеханик вазифасида ишлай бошладим... Ҳозирги вазифада икки йилдан буён меҳнат қилиб келаман.



Мен учун 2004 йилдаги энг эсда қоларли воқеалардан бири — 11 июн куни вилоятимизда ўтган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги" семинар бўлганди. Унда кўтарилган муаммолар, таклифлар, мунозаралар, мутахассисларнинг соҳада кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қилган маърузалари менда катта таассурот уйғотганди. Бу каби семинарлар вилоятларда тез-тез ўтказилиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча алоқа ходимларини Янги йил билан чин қалбдан табриклайман. Янги йил янги зафарлар, ютуқлар йили бўлсин!

***Азиз ЖАББОРОВ, "Самарқанд Телеком" филиалининг Самарқанд туман телекоммуникациялар боғламаси ЭҲМ мутахассиси:***

— **Туманимиздаги** АТСларнинг эскирганига қарамай, аҳолига сифатли телефон хизматлари кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз.

"Ўзбектелеком" АК талабига мувофиқ, "Самарқанд Телеком" филиали таркибидаги телекоммуникациялар боғламаларида ягона бухгалтерия тизимини яратиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, компьютер ва модемлар билан таъминланган SNS-SOFT дастурларини жорий этиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

2005 йилда эски АТСларнинг янгиларига алмаштирилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Бу — йил давомида баҳоли қудрат меҳнат қилишимиз учун катта куч бағишлайди. Тилагим, эзгуликка интилиш ҳисси ҳеч кимни ҳеч қачон тарк этмасин!

Саҳифани Лутфилло ТУРСУНОВ тайёрлади

"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва барча алоқачиларни

Янги йил байрами билан

самимий табриклайди.

Истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлсин, азиз ватандошлар!

UZMACOM

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча алоқачилар ҳамда ўз мижозларини Янги йил билан чин қалбдан муборакбод этади.

*Сизларга узоқ умр, соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишингизда ривож тилаймиз.*

Биз сизга хизмат кўрсатаётганимиздан гоят мамнунмиз.

"ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Янги йил тантаналари билан барча юртдошларимиз, шу жумладан, алоқачиларни муборакбод этади.*

Янги — 2005 йил

улкан ютуқлар, олам-олам қувонч келтирсин. Барча орзуларингиз ушбу йилда ушалсин.

СИЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАНИМИЗДАН БЕҲАД МАМНУНМИЗ!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Гўзал Ўзбекистонимиз аҳлини юртимизга тантана билан кириб келаётган

Янги йил билан

самимий муборакбод этади.

*Янги йил қалбларга олам-олам қувонч олиб кирсин. Халқимизга хос бўлган сахийлик ва бағрикенглик сизни ҳеч қачон тарк этмасин.*

Байрамлар байрамларга уланаверсин!

Сирдарё вилояти

# "Электрон ҳукумат" сайёр лойиҳаси – Сирдарёда

**Жорий йилнинг май ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Ҳудудий бошқармалар зиммасига ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, жойлардаги алоқа корхоналари ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш каби муҳим вазифалар юклатилган.**



**Ушбу йилда** "Электрон ҳукумат" сайёр лойиҳасини амалга ошириш биринчи бўлиб вилоятимиз чекига тушганлиги катта воқеадир. Бу борада ташкилий масалалар ҳал этилди. Концепция яратилди. Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, унинг Интернетда расмий сайти очилди. Тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Айрим халқаро ташкилотлар лойиҳани молиялаштириш учун ўз грантларини тақдим этишмоқда.

"Электрон ҳукуматни" вужудга келтириш босқичма-босқич амалга оширилади. Илк босқичда "Сирдарё вилоятининг имкониятлари" ахборот тизими шакллантирилиши кутилмоқда. Давлат бошқарувининг мазкур тизимга ўтиши фуқароларга кенг имкониятлар очади. Улар давлат органларининг расмий ҳужжатлари ва оммабоп ахборотлардан яхши хабардор бўладилар. Натижада давлатни бошқариш жараёнида фаол иштирок этадилар. Бу бошқарувнинг демократик моделига олиб келади. Ушбу жараёнда фуқаролар турли қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этишади.

2004 йилнинг 25 октябр — 1 ноябр кунлари БМТнинг "Рақамли ривожланиш дастури"нинг молиявий кўмаги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан "Сирдарё Телеком" филиалининг бир гуруҳ ходимлари Эстония Республикасининг Таллин шаҳридаги Электрон ҳукумат академиясида ўтказилган амалий семинарда қатнашишди. Бу ҳам вилоятимизда "Электрон ҳукумат" сайёр лойиҳасини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирги кунда Гулистон давлат университети, Гулистон шаҳридаги учта мактаб, битта касб-ҳунар коллежи, Сайхунобод туманидаги биттадан мактаб ва коллежга Интернет тармоғидан бепул фойдаланишларига имконият яратилди. Тегишли рухсатнома олган учта Интернет-кафе мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳудудий бошқармамиз олдида кўплаб вазифалар турибди. Бу йил ниҳоясига етмаган ишларни 2005 йилда амалга оширамиз, деган умиддаман. Бошқармамиз жамоаси юртдошларимиз ва барча алоқачиларни Янги йил байрами билан қутлайди.

***Муҳаммаджон БЕГМАТОВ,***
***Агентликнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи***

***Аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларга телекоммуникация хизматлари кўрсатиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Бу борада 640 нафар мутахассис-ходимлардан иборат жамоамиз ўзаро аҳиллиқда самарали меҳнат қилишмоқда. Жамоамизда 84 нафар олий маълумотли, 324 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассислар бор.***


SIRDARYO TELEKOM

# Асосий мезон – сифатли ва ишончли алоқа

**Филиалимиз** таркибида 12та туман телекоммуникациялар боғламаси ва "Алоқа сервис" ихтисослашган бўлинмаси мавжуд. Асосий телефонлар сони 43939тани ташкил этади.

Олдинлари барча телекоммуникациялар боғламаларидаги мижозлар бўлими алоқа уйларининг юқори қаватларида жойлашган эди. Ўтаётган йилда ушбу бўлимлар биринчи қаватга кўчирилди ва ўзаро ҳисоб-китоб ҳам шу ерда бажарилаётур жиҳозларни жойлаштириш ҳаракатидамиз.

"Ўзбектелеком" АК раҳбарияти филиалимизни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Маълумки, 1996 йили вилоятимизда Жанубий Кореянинг DTS-2000 электрон станциялари ўрнатилган эди. Филиалимиз ана шу станциялар учун тўланиши лозим бўлган қарзни компания ўз зиммасига олиб, мушкулимизни осон қилди.




Малакали кадрлар ҳар бир корхона учун ҳаво билан сувдек зарур. Шунинг учун ҳам ходимларимизнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратганмиз. Яқинда Агентликнинг вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олаётган сирдарёлик талабалар билан учрашув ўтказдик. Бугунги кунда университетнинг кундузги бўлимларида ўқиётган талабаларнинг 14 нафарига ҳомийлик ёрдамини кўрсатяпмиз. Бу йил ушбу ўқув даргоҳини 11 нафар сирдарёлик ёшлар битириб чиқади. Уларни ишга олишга тайёр турибмиз. Учрашувда ана шу ҳақда айтганимизда бўлажак алоқачилар ҳам, уларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар ҳам, университет раҳбарияти ҳам ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Бундан ўзимизнинг кўнглимиз ҳам тоғдек кўтарилди.

Келаётган 2005 йилдан умидимиз катта. Янги йилда амалга оширадиган ишларимизда асосий мезон ўз вақтида ишончли ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, севимли газетамиз "Xabar" орқали барча юртдошларимизни, алоқа соҳаси заҳматкашларини Янги йил байрами билан табриклайман. Хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайман.

***Анвар АГАЛИЕВ,***
***"Сирдарё Телеком" филиали директори***

# Янги йилда орзуларимиз ушалсин

**Бугун** — 2004 йилнинг охирги куни. Шу ўринда якунланаётган йилдан кўнглим тўлди дея айта оламан.

Ушбу йилда республикамиз почта корхоналари раҳбарлари делегацияси сафида мен ҳам Украинада бўлиб қайтдим. У ердаги почта хизмати билан яқиндан танишиб, украиналик ҳамкасбларимизнинг иш тажрибаларини ўргандик. Айниқса, уларнинг аҳолига етмишга яқин хизмат турларини кўрсатиши менда катта таассурот қолдирди.

Келаётган йилда ана шу ўрганганларимизни, орттирган тажрибаларимизни амалда қўллашни ният қилганмиз.

Меҳр ва мурувват йилида филиалимиз кўплаб тадбирларни уюштириб, меҳр-саховатга муҳтожларга ёрдам кўрсатди. Жумладан, корхонада ишловчи кам таъминланган оилаларга, шу ерда ишлаб нафақага чиққан 27 нафар пенсионерга моддий ёрдам берилди. Гулистон шаҳар почта алоқа тармоғи шаҳардаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Сервер Асановни ўз оталиғига олган. Бир неча йилдан бери шаҳар почта алоқа тармоғи уни кийим-кечаклар, мактаб ўқув анжомлари билан таъминламоқда. Шунингдек, тармоқ ҳомийлигида болалар дам олиш оромгоҳига юборилди.



Янги йил яқинлашгани сари одамнинг қалбидаги умидлар яна жонланиб кетаркан. Соҳада иш бошлаганимдан бери почта ходимларининг ўз иш кийимлари бўлишини орзу қилиб келаман. 2005 йилда ана шу ниятим ҳам ушалишини жуда-жуда истайман.

Янги йилда халқимизга омад, соғлиқ тилайман. Юртимиз тинч ва обод бўлсин.

***Мукамбар ҚЛИЧЕВА,***
***"Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Сирдарё филиали директори***

# Қувончингизга шерикмиз

**Маълумки,** шу йилнинг май ойида "Ўзбектелеком" АКнинг Кузатув кенгаши қарорига кўра, "Intal Telekom" ва "UzNet" филиаллари бирлаштирилган эди. Бунинг натижасида республика телекоммуникация бозорида ахборот-коммуникация ва мултимедиа хизматларини кўрсатувчи кучли оператор — UzNet филиали юзага келди. Вилоятларда ҳам филиалнинг ихтисослашган боғламалари ташкил этилди. Улар қатори бизнинг боғламамиз ҳам ўз мижозларига электрон почта ва Интернет хизматларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хўжалик суди, адлия бошқармаси, ички ишлар бошқармаси ва Гулистон давлат университети каби доимий мижозларга эгамиз.

Дастлаб Интернетга боғланиш тезлиги 33,6 кбит/сни ташкил этарди. "Сирдарё Телеком" филиали билан ҳамкорликда олиб борган ишларимиз туфайли бу кўрсаткич бугунги кунда 56,6 кбит/сга етказилди. Натижада мижозларимиз сони кўпайди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва барча туманлар ҳокимликлари ўртасида электрон почта хизмати йўлга қўйилди. Ушбу хизмат туфайли маблағ тежалади, вақтдан ютилади. Шунингдек, бу электрон ҳужжатлар алмашинуви сари ташланган илк қадамдир.

Мижозларга Интернет карталарини ҳам тақдим этяпмиз. Ундан фойдаланаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Келгуси йилда эса мижозларга IP-телефония хизматини таклиф қиламиз.

Мана, 2004 йил ҳам ниҳоясига етмоқда. Шундай пайтда одам беихтиёр ўтган даврига баҳо берар экан. Мен ҳам тарихга айланаётган ушбу йилдан мамнунман. Айниқса, хизматимиздан фойдаланиб, бир қувончга ўн қувонч қўшилаётган ёшларни кўрганимда тўлқинланиб кетаман. Уларнинг хурсандчилигида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор деб ўйлайман.

2005 йил барча учун омад ва муваффақиятлар йили бўлсин.

Байрамингиз муборак, азиз ҳамкасблар!

***Фахриддин ЖАББОРҚУЛОВ,***
***"UzNet" филиалининг Сирдарё вилояти ихтисослашган боғламаси бошлиғи***

Саҳифани Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади

## “ХАЛҚАРО ПОЧТАМТ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамиз аҳолиси ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини

**Янги йил байрами билан**

самимий табриклайди.



Яратувчанлик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳур ва обод мамлакатимиз янада гуллаб-яшнайверсин!

## “СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Республикамиз аҳолисини ҳамда алоқа соҳаси ходимларини янги — 2005 йил билан қизғин муборакбод этади.*



*Барчангизга бахт-саодат, келгуси ишларингизда зафарлар тилаймиз.*

**Янги йилда янги омадлар ёр бўлсин!**



## “ЎЗИ-ТЕРМИЗ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**2005 — Янги йил байрами билан барча ватандошларимиз ва алоқа соҳаси ходимларини чин қалбдан муборакбод этади.**

*Эзгу мақсадларингизнинг амалга ошишига тилакдошмиз.*

Ҳар доим хонадонингиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг
## СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Юртимиз аҳолисини кириб келаётган**

**Янги йил билан**

**самимий қутлайди.**

**Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, тўкин дастурхон тилаймиз.**

*Эзгу ниятлар доимий йўлдошингизга айлансин!*

Сурхондарё вилояти

***Мустақиллик йиллари алоқа хизмати соҳасида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Тизимдаги янгиликлар унинг яқин ўтмиши ва бугунини таққослаганда яққол билинади. Жамоатчи мухбиримиз Шеробод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Азамат САТТОРОВ билан шу хусусда суҳбатлашди:***

# Тараққиёт тақозоси

***"Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир", деган ҳикматга амал қилган ҳолда Шеробод телекоммуникациялар боғламаси тарихига назар ташлаш билан суҳбатимизни бошласак?***

— Айни муддао бўларди. Ўтган асрнинг 30-йилларида Бухородан бу манзилгача бир каналли телефон линияси тортилган. Ўша пайтда вилоятнинг бошқарув маркази Шерободда бўлган. Сурхондарёда алоқа хизматига дастлаб асос солинган жой ҳам Шерободдир.

Кейинчалик тармоқ тобора равнақ топиб борди.

***— Фикрингизни сўнгги натижалар билан далиллаб берсангиз.***

— Ҳозир туманимизда 10та автомат телефон станцияси ишлаб турибди. 50 кишилик жамоамиз уч мингга яқин мижозлар хизматида бўлиб, уларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Ўн икки йил бурун шу боғламага раҳбар бўлиб келган эдим. Ўтган давр мобайнида мижозлар сони икки баравар кўпайди. 2001 йили Бухородан 500 рақамли қўшимча станция олиб келиб, имкониятлар доирасини кенгайтирдик. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга эришдик.

***— Халқимизда "Ҳисобини билган ҳамёнидан айрилмас" деган мақол бор. Ташкилот ва хонадонлардаги телефон эгалари кўрсатилаётган узлуксиз хизмат қадрига қандай етишмоқда?***

— Жорий йилнинг ўн бир ойи мобайнида шаҳарлараро сўзлашув 373 минг 254тани, халқаро сўзлашув эса 4821тани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўпдир. Гап шундаки, мижозлар хизмат ҳақларини тўлаб боришга масъулият билан ёндашишни одат тусига айлантиришмоқда. Натижада дебиторлик бўйича муаммога деярли ўрин қолмаяпти. Шу боис вилоятда яхши кўрсаткичларга эришаётган жамоалар сафида боряпмиз.

***— Маълумки, ҳозир барча соҳаларда иқтисодиётни эркинлаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, "Xabar"нинг 2004 йил, 9 июл 28-сонида берилган "Менда таклиф бор" сарлавҳали мактубингиз долзарблиги билан катта аҳамият касб этган эди. Хўш, ўтган даврда қандай ўзгаришлар бўлди?***

— Қувонарлиси, бу ташаббусимга раҳбарлар хайрихоҳлик билдиришди. "Ўринли таклифлар билдирибсиз", деганлар кўп бўлди.

Тўғри, вилоят телекоммуникациялар боғламаларида бухгалтерия ҳисоботларини марказлашган ҳолда олиб бориш бир қатор муаммоларни ҳал этишда анча қулай усулдир. Бироқ биз мижозлар сафини кенгайтириш каби масалаларда эркин эмасмиз. Шу боис мен ойлик барча мажбурий тўловлардан қолган ортиқча маблағларга корхонани жорий ёки муқаммал таъмирлашга яроқли жиҳозларни ўзимизга яқин жойлардан, қулай бўлган нархларда харид қилишга рухсат берилишини таклиф қилган эдим. "Сурхондарё Телеком" филиали раҳбарияти фикрларимни эътиборсиз қолдирмади. Натижада алоқа воситаларини босқичма-босқич таъмирлаб бориш учун имконият эшиклари очилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаган ҳолда даромад салмоғини ҳам оширмоқда. Меҳнатда эришаётган ютуқларимизда муҳандис-техникларимиздан Равил Зиганшин, Икром Бўронов, электромонтёрлардан Рўзибой Давлатов, Жўра Мелиев ҳамда оператор Маҳбуба Исмоиловаларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

***— Янги йил истакларингиз?***

— Биласизми, бугунги кунда алоқа хизмати етиб бормаган бирон тармоқ ё хонадон йўқ. Улар хизматимизнинг у ё бу туридан фойдаланишмоқда. Муҳими шундаки, бизнинг хизматимиз узлуксиз жараён ҳисобланади. Биров ундан кундузи, яна кимдир ярим тунда ёки эрталаб фойдаланади.

Шу ўринда бир фикрим бор. Туманимиз тоғли ҳудудлардан ташкил топган. Шунинг учун бу манзилларга "Ўзбектелеком" АКнинг SDMA 450 мобил телефонларини ўрнатишда ёрдам берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозир бу ҳудудларда "Ўздунробита", "ДЭУ-Юнител" ва "Коском" компаниялари ўзларининг тармоқларини очиш арафасида. Биз рақобатдан қўрқмаймиз. Аммо ўзимизда бор имкониятни ишга солсак, даромадимизни янада оширган бўлардик.

Кутиб олаётган Янги — 2005 йилимиз завқу шавққа тўла йил бўлсин. Биз — алоқа хизмати ходимлари мижозлар ишончини оқлашда асло толмайлик.

***— Тилак ва истакларингиз учун раҳмат.***

# Наргизанинг нияти

***"Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиалининг Термиз шаҳар почта алоқа тармоғида меҳнат қилаётганларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида Наргиза Қосимованинг ҳам ўз ўрни бор. У ҳозир мазкур тармоққа қарашли 6-почта алоқа бўлимини бошқармоқда. Н.Қосимова соҳада эришган ютуқларини, келажак орзу-умидларини биз билан ўртоқлашди:***

— **Почта соҳасида** етти йилдан буён хизмат қилиб келмоқдаман. Бу давр тажрибамни оширишда муҳим палла бўлди. Касб сирларини пухта ўрганишимга Олия опа Бахшиалиева яқиндан ёрдам берди. Бунинг учун устозимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Албатта, камолот пиллапояларини босиб ўтиш фақат иш ўргатувчи маҳоратига боғлиқ эмас — шогирд ҳам мақсад сари астойдил интилиши керак. Ана шунда кўнгилга жойланган эзгу ниятлар биноийдай ушалади. Мен бунга ўз фаолиятим мобайнида ҳам амин бўлдим.

Дарвоқе, қисқа муддатда оддий операторликдан бўлим бошлиғи даражасига етишиш мен учун осон кечгани йўқ. Жамоа иззат-ҳурматини қозониб, одамлар назарига тушиш учун интилдим. Ҳамкасбларим ҳазил аралаш мени севимли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг "Синчалак" асаридаги Саидага ўхшатишади. Бу бежиз эмас. Олтинчи бўлим мижозлари учун неки имконият зарур бўлса, талаб қилиб оламан. Ўз навбатида филиал раҳбари Турсунпўлат ака Худойқулов ҳам ўз ишимга қатъиятлилигимни қўллаб-қувватлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида шундай ишламасак ҳам бўлмайди. Ходимларимиз хизмат кўрсатаётган "Учқун" маҳалласида бир минг юз нафар пенсионер ва нафақачи бор. Уларнинг ижтимоий муҳофазаси бир жиҳатдан бизнинг ҳам зиммамизда. Пенсия ва нафақа пулларини етказиб беришда узилишларга йўл қўйилмаяпти. Шунинг учун Холли Йўлдошев, Қодир Ғуломов каби иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Раъно Пардаевадек тажрибали ходимларимиз хизматидан доим миннатдор бўлишмоқда. Бўлимимиз коммунал хизмат тўловларини тушириш борасида ҳам шаҳар бўйича биринчи ўринда бормоқда.

2004 йил ҳамкасб опа-сингилларим ва шахсан ўз ҳаётимда муҳим янгиликлар даври бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизлар ташкилотлари ролини ошириш тўғрисида"ги Фармони фаолиятимизга мазмун бахш этди. Қолаверса, 26 декабр куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Маҳаллий кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун яқдил овоз бердик. Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежига сиртдан ўқишга кирганим ҳам мен учун якунланаётган йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Кириб келаётган 2005 йилда аҳолига янада сифатли почта хизмати кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Ниятим — мустақил юртимиздаги тинчлик, барқарорлик абадий бўлиб қолсин! Биз эса эл-юртга манзур хизмат қилиб, ҳурмат-эҳтиром қозонаверайлик.

# Холис хизмат кўрсатиб

**Абдужаббор ака** эшикдан кириб келган галдаги кишига юзланди:

— Келинг, бизга хизмат борми?

Башанг кийинган йигит телефон рақами ёзилган қоғозни тутқазаркан, бу манзил билан тезроқ боғланиш истагини билдирди. Унинг буюртмаси бир зумда бажарилди.

— Сизга минг раҳмат, — деди йигит қувончини яширолмай. — Ишим бинойидек битди. Эронлик ҳамкорлар билан ўз вақтида гаплашдим.

Дарҳақиқат, алоқа соҳаси фахрийси Абдужаббор Муҳаммадиев бундай миннатдорчилик сўзларини тез-тез эшитиб туради. Холис хизмати билан буюртмачилар узоғини яқин қилаётган Абдужаббор ака уларга ширин муомалада бўлиб, ҳурмат-эътибор қозонмоқда.

Шўрчи телекоммуникациялар боғламаси халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувлар шахобчалари ўтган асрнинг сўнгги йилида иш бошлаган эди. Бу хизмат ўчоқлари ҳозир бир нечта бўлиб, улар орасида Абдужаббор Муҳаммадиев етакчилигидаги сўзлашув маскани доимо олдинда.



— Ўғлим Баҳром билан алмашиб, кеча-ю кундуз хизмат кўрсатяпмиз, — дейди у. — Шу вақт давомида ўртача 90—100та буюртма бажариляпти.

Абдужаббор ака хизмат кўрсатаётган шахобча "Шўрчи" деҳқон бозори ва Термиз — Душанбе халқаро автомобил йўли бўйида жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерга келувчилар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, узоқ йўл босиб келаётган ҳайдовчилар бу даргоҳга тез-тез кириб туришади.

Меҳнат фахрийси Абдужаббор Муҳаммадиевдек эл корига яраётганлар асло кам бўлмасин!

# Кўнгил ободлиги учун

***Меҳр ва мурувват йили жамоамиз аъзолари аҳиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилди десам муболаға бўлмайди. Чунки йил мобайнида кўнгилларни обод айлаш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Айниқса, меҳнат нафақасига кузатилган фахрийларни ҳар бир байрамда йўқлашга алоҳида эътибор бердик.***

**Шу ўринда** фикримни Тўхта опа Бекназарова хонадонидаги ҳаяжонли учрашувлар билан далиллашни лозим топдим. У кишининг ҳузурига қачон бормай, кўрсатилган иззат-икромдан суюниб сўзлаганларига гувоҳ бўлганман. Тўхта опа чинакамига почта соҳасининг фидойисидир. Шунинг учун фарзандларида ҳам севимли касбига ҳавас уйғота олди. Ҳозир ўғли Бахтиёр Тошматов "Сурхондарё Телеком" филиалида муҳандис, қизи Шаҳнозахон эса Бойсун почта филиалининг ходимлар бўлими бошлиғи. Улар ҳам оналаридек ҳурмат-эҳтиром қозонишга интилишмоқда.

Филиалимизда ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳам бирламчи вазифага айланган. Иккита никоҳ тўйи жамоа ҳомийлигида ўтди. Умуман олганда, филиал касаба уюшмаси якунланган йилда ходимларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадларига қарийб 2 миллион сўм маблағ сарфлади. Жумладан, меҳнат таътилига чиққан кишиларга 600 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Меҳр ва мурувват йили давлат дастури доирасида эътиборга лойиқ тадбирлар амалга оширилди. Бунда кўнгиллар ободлиги учун қилинган хайрли ишлар муҳим аҳамият касб этди.

***Жўрақул ШОЙИМОВ,***
***"Ўзбекистон почтаси" АЖ***
***Сурхондарё филиали***
***Бойсун почта алоқаси тармоғининг***
***касаба уюшмаси қўмитаси раиси***

## "ХАЛҚАРО ТЕЗКОР ПОЧТА" ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизмат қилаётган барча юртдошларимизни кириб келаётган

**Янги—2005 йил билан қутлайди.**

*Янги йилда эзгулик ва гўзаллик доимий ҳамроҳингиз бўлсин.*



## "ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Янги йил байрами билан**

*юртимиз аҳолиси ва барча алоқачиларни қизғин табриклайди.*

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишларингизда ривож тилаймиз.*



**Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!**

## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Халқимизни ва барча алоқачиларни юртимизга тўкинлик, қут-барака олиб келаётган Янги йил билан муборакбод этади.*

*Азиз ватандошлар!*
*Қилган барча тилакларингиз ижобат бўлсин.*
*Меҳр-оқибат ришталари ҳеч қачон узилмасин.*

## "ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Серқуёш ва саховатли Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан табриклайди.**



Сиҳат-саломатлик йилида поклик ва гўзаллик доимий ҳамроҳингиз бўлсин.

**Бахт ва омад сизни ҳеч қачон тарк этмасин!**

Тошкент вилояти

# Раҳмат сизга, ҳамкасблар!

***Олим аканинг боши қотди. Ахир, тўй куни тайин. Вақт эса кутиб турмайди. У тавваккал қилиб, Зангиота тумани почта алоқа тармоғи бошлиғи Тўлқин Файзиев қабулига кирди. Бошлиқ унинг гапини диққат билан тинглаганидан сўнг тармоқда узоқ йиллар ишлаган Ҳусниддин Эшоновни маслаҳат учун ҳузурига чақирди.***



— **Олим Аҳмедовнинг** жамоамизда ишлаётганига 40 йилдан ошди. У ўз вазифасига ҳамиша масъулият билан ёндашади. Тўй қилаётган экан. Албатта ёрдам бериш керак, — деди Ҳусниддин ака қатъий қилиб.

Эртасига Олим акага моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида буйруқ чиқди. Ўзига кўрсатилган мурувватдан, қолаверса, бенуқсон ишлаганлиги эътиборга олинганлигидан унинг боши осмонга етди.

Бундай воқеалар мазкур жамоада тез-тез бўлиб туради. Жамоа ишчиси Зулфия Зуфарованинг турмуш ўртоғи Собиржон ҳам узоқ вақт касал бўлиб ётди. Бундай пайтда кишини ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлаш ҳар бир инсоннинг бурчи. Зулфия жамоа раҳбарларининг ёрдамини ҳали-ҳали мамнунлик билан эслаб юради.

— Бу каби меҳр ва мурувват ишлари тармоғимизда яхши йўлга қўйилган, — дейди тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Марҳамат Шобуваева. — Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиш — бизнинг доимий эътиборимизда. Республикамизнинг диққатга сазовор жойларига жамоа бўлиб саёҳатлар уюштириш, меҳнат фахрийларини турли байрамларда бир пиёла чойга чақириш яхши анъанага айланган. Мана шундай дамларда Ҳусниддин ака Эшонов каби меҳнат фахрийларимизнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига таянамиз.

Дарҳақиқат, Ҳусниддин ака қачон қараманг, жамоа ташвиши билан юрган бўлади. Ўзи меҳнат фахрийси. 38 йилдан буён шу жамоада ишлайди. Кўп йиллар уни бошқарди. Айни пайтда мазкур жамоада ишлаётган Ирина Шегай, Наталья Трухина, Озода Қосимова, Нодира Зокирова ва бошқалар уни устоз сифатида эъзозлашади.

Ҳусниддин аканинг фарзандлари ҳам унинг изидан боришяпти. Қизи Шаҳноза почта алоқа тармоғида оператор, ўғли Нуриддин ҳам алоқачи.

***Бахтиёр РАФИҚОВ,***
***Тошкент филиали ҳисобчиси***

***"Тошкент Телеком" филиали таркибидаги телекоммуникациялар боғламалари томонидан 2004 йилда кўрсатилаётган алоқа хизматлари ҳажмини ошириш борасида талай ишлар бажарилди.***

**Йил давомида** жами 3922,7 млн. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди. Аҳолига алоқа хизматларини кўрсатиш ҳажми 2587,6 млн. сўмни ташкил этди. Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлар алмашуви бир йилнинг ичида 1,2 баробарга ошди. Асосий телефонлар сони 129314тани ташкил этиб, йил давомида бу кўрсаткич яна 969тага кўпайди. Жорий йилда вилоят телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди.

JBIC лойиҳаси доирасида вилоятдаги 13та шаҳар ва туман марказлари оралиғида оптик-толали кабел магистрал линияси қурилди. Ушбу лойиҳага кирган маҳаллий тармоқдаги эскирган аналог телефон станцияларни рақамли коммутацион станцияларга алмаштириш мақсадида «Ист-Телеком» ҚК ҳамкорлигида 32 минг рақамга мўлжалланган DTS-1100 станцияси монтаж ишларининг дастлабки босқичи ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги лойиҳага жами 42 минг рақамга тенг бўлган аналог телефон станцияларини рақамли коммутацион станцияга алмаштирилиши киритилди.

Филиал таркибидаги боғламаларда линия-кабел хўжалиги ҳолатини яхшилаш, ускуна ва қурилмалар иш сифатини ошириш мақсадида 103,9 млн. сўм миқдорида зарур маҳсулотлар харид қилинди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги тадбирларига филиал томонидан 41,0 млн. сўм сарфланди. Айниқса, бу борадаги ишларга Янгийўл, Пскент, Оҳангарон ва Ангрен телекоммуникациялар боғламаларида катта аҳамият берилди.

«Тошкент Телеком» филиали қошида махсус синов лабораториясининг фаолияти қайта тикланиб, барча телекоммуникациялар боғламаларида шахсий ҳимоя воситалари тегишли лабораторияга кўригидан ўтказилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, қишлоқ АТСлари ишини яхшилаш, ушбу АТСлар орқали олиб борилаётган шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар самарадорлигини ошириш мақсадида 57та қишлоқ АТСлари янги Э-АОНлар билан қайта жиҳозланиб, шаҳарлараро чиқиш сифати оширилди. Бу борада филиалнинг Маҳаллий телефон алоқаси бошлиғи Абдунаби Абдурасулов, Ишлаб чиқариш техник лабораторияси бошлиғи Муҳаммаджон Пейсенов, етакчи мутахассислар — Баҳодир Турсунматов, Рихсивой Саидов, Набижон Избосаровларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Албатта, эришилган ютуқ ва натижаларда филиал директори Абдурашид Абдумўминов, Оҳангарон ва Тўйтепа телекоммуникациялар боғламалари бошлиқлари Шуҳрат Қўчқоров ва Абдурашид Абдуғаниев, ўзларининг ташаббускорлик ва изланувчанлик хислатлари билан Янгийўл, Пскент, Ангрен телекоммуникациялар боғламалари бош муҳандислари Олег Анпилогов, Исмоил Набиев, Олимжон Анорбоевларнинг олиб бораётган меҳнат фаолиятлари филиал учун ўз самарасини бермоқда.

Филиалда муҳандис-техник мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш каби йўналишга алоҳида эътибор қаратилди, турли муассасаларда жами 150 нафардан зиёд ходимларимиз малака оширдилар.

# Ёдда қоладиган йил




Филиал жамоаси алоқа соҳаси корхоналари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг кўчма кубоги учун ўтказилган мини-футбол мусобақаларида учинчи ўринга сазовор бўлишди. Бунда Тошкент вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Юнус Гофуровнинг ташкилотчилиги кўл келди. Улуғбек Холбеков, Камол Файзиев, Алишер Турсунов сингари филиал ходимлари мусобақаларда фаол иштирок этишди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхоналари ва ташкилотлари ўртасида ўтказилган «Энг саховатли оила» кўрик-танловида Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Жумабой Бўтаевнинг оиласи фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

2004 йил «Тошкент Телеком» филиали жамоаси учун ёдда қоладиган йил бўлди. Агентлик ва «Ўзбектелеком» АК раҳбариятининг эътибори ҳамда ёрдами натижасида шинам, барча қулайликларга эга, жиҳозланган маъмурий бинога эга бўлдик.

Ўйлаймизки, бу йил эришилган ютуқларимиз келгуси йилда ундан ҳам улкан чўққиларни забт этишга асос бўлиб хизмат қилади.

***Қаҳрамон ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент Телеком» филиали директорининг биринчи ўринбосари***

***Ангрен почта алоқа тармоғи Ангрен ҳамда Янгиобод шаҳарлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Тармоқнинг 22та алоқа бўлимида 120 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг 68 нафарини хат ташувчилар ташкил этади. 2002 йилдан эса электрон почта фаолияти йўлга қўйилди.***

# Эзгу ишлар давом этади



**Шуни** алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши натижасида ишчи-хизматчилар маошлари кўпайиб бормоқда. Масалан, 2004 йили уларнинг ўртача иш ҳақи 2003 йилдагига нисбатан 22 фоизга ошиб, 34 минг 457 сўмни ташкил этди.

Меҳр ва мурувват йилида ходимларимизни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратдик. Жумладан, ишлаётган пенсионерларга 397 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик. Барча ходимларимизга кўрсатилган моддий ёрдам эса 2 миллион 500 минг сўмдан ошди. Шунингдек, ўтказилган ҳашардан тушган маблағнинг бир қисми Қорақалпоғистондаги болаларга ёрдам учун ўтказилди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир гуруҳ уруш қатнашчиларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Кам таъминланган оила фарзандлари ҳам мурувватимиздан четда қолгани йўқ.

Бу каби эзгу ишларни янги — Сиҳат-саломатлик йилида ҳам давом эттиришни режалаштирганмиз.

***Саҳобиддин ҲАМРОҚУЛОВ,***
***Ангрен почта алоқа тармоғининг бошлиғи***

# Мақсад — кучли ижтимоий ҳимоя

***Меҳр ва мурувват йилида "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Тошкент филиали маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси корхона ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш учун талай ишларни амалга оширди. Бунда маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этди.***



**Шартномада** тармоқ меҳнаткашларига турли имтиёзлар бериш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва соғломлаштириш, кўнгилдагидек меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратиш, маданий ва маърифий ҳамда спорт мусобақаларини ўтказиш каби муҳим тадбирлар ўз аксини топган. Олмалиқ, Янгийўл ҳамда Ангрен шаҳарлари, Зангиота, Тошкент туманлари почта алоқа тармоқларида бу борада яхши тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Олмалиқ шаҳар почта алоқа тармоғида дори-дармонлар сотиб олишлари учун ишчи-хизматчиларга 362 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Турли маросимлар учун эса 500 минг сўмга яқин маблағ ажратилди.

2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши бизга янада катта масъулият юклайди. Келгуси йили юқоридаги сингари амалларни давом эттириб, меҳнаткашларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайверамиз.

***Юнус ГОФУРОВ,***
***Тошкент вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси***

"УЗСВЯЗСПУТНИК"
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини Янги йил билан табриклайди.

Сизларни қутлашдан беҳад шодмиз.

2005 йил хонадонингизга фақат хурсандчилик олиб келсин!

"ALSKOM"
ALSKOM
ЎЗБЕКИСТОН- РОССИЯ
ҚЎШМА СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

Соҳа ходимлари ва ўз мижозларини янги 2005 йил билан муборакбод этади.

Мижозлар манфаатларини кафолатли ва ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида таклиф этаётган хизматларимиз фаолиятингиз барқарор ривожланишига кўмак беради деган умиддамиз.

Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 132-09-64, 139-23-67, 139-23-73, факс: 132-07-15.
Http: www.alscom.uz; e-mail: official@alscom.uz

"ФАРҒОНА ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа соҳаси ходимларини қувонч ва шодлик байрами —
Янги йил билан
самимий муборакбод этади.

Барчага бахт, муваффақият ва ёрқин келажак тилаймиз.

Ёғаётган оппоқ қорнинг ҳар бир зарраси хонадонингизга поклик ва қут-барака олиб кирсин!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимиз ва алоқа соҳаси ходимларини
Янги йил билан
кутлайди.

Азиз ҳамюртлар!
Сизларга соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз!
Янги йил хонадонингизга қут-барака, қувонч ва шодлик келтирсин.

Ризқ-насибангиз бутун бўлсин!



Фарғона вилояти

***Янги йил — кумуш қишнинг энг гўзал, энг тароватли байрами. Гарчи бу байрам ёшимизга ёш қўшсада, умр деб аталмиш китобимизнинг яна бир варағини қораласа-да, уни интиқлик ила кутамиз. Шу куни барча-барчага эзгу тилаклар айтгимиз, туйғуларимизни ўзгалар билан ўртоқлашгимиз келади...***

***Байрам баҳона фарғоналик алоқачиларни суҳбатга чорладик:***

# Энг оддий, энг бебаҳо ўгит

***Шоирахон УБАЙДУЛЛАЕВА, Фарғона шаҳар почта алоқаси бўлими хабарчиси:***

— **Ишинг билан** боғлиқ энг оддий ўгит ҳам бир бебаҳо ҳикматдек миянгга қуйилиб қолар экан. Бундан йигирма икки йил муқаддам мактабни тугатибоқ Фарғона шаҳар почта бўлимига ишга кирдим.

Турли газета-журналлару хатжилдлар жойланган сумкани елкага иламану, тарқатаверaман. Шу ҳам иш бўлдими, оппа-осонку, деб ўйлардим. Бироқ тасаввуримдаги билан ҳақиқий иш ўртасидаги фарқ ер билан осмонча экан. У вақтларда даврий нашрлар 7-8та қопга жой бўлар, уларни манзиллар бўйича саралаб чиқар эдик.

Мураббийларимнинг қўллари қўлларига тегмасди, қараб кўзим тиниб кетарди. Айниқса, Клара опага қойил қолардим. Бир йил деганда менинг ҳам тажрибам ошиб қолди. Вақтида "мулоқот маданияти" деган синовларга дуч келдим. Очиғи, мен бундай "имтиҳон"ларга тайёр эмас эканман. Устозларим Клара Султонова ва Антонина Никитиналар бу борада энг яқин маслакдошларим бўлишди. Аммо мижоз дағаллик қилса ва ноҳақ бўлса ҳам ширинзабон бўлишимиз шарт эканлигини ақлим қабул қилолмасди. Ана шундай қалтис вазиятларда устозим Нўъмон Каримовнинг насиҳатини ёдда тутиб, ўзимни қўлга олардим. Йиғилишларда Нўъмон ака доим бизга, ғазабнок, ўт-аланғаси чиқиб келган одамга бир пиёла чой қуйиб узатинг-да, хушсуҳанлик қилинг, ҳовуридан тушади-қолади, дерди. Бу каби ёзилмаган қоидалар кўп ва уларга қатъий риоя этаман.

Икки қизимни бир ўзим ҳам ота, ҳам она ўрнида катта қилиб, ўқитяпман. Гарчи уларнинг бири тарих ўқитувчиси, бири санъат йўлини танлаган бўлсалар ҳам, устозимдан олган насиҳатларни қулоқларига қуйганман. Алоқачининг нонини еб вояга етганлар, албатта, солиҳ ва фозил инсонлар бўлишсин дейман.

# Кашфиётлар кутиб яшайман

***Ҳанифа МАМАДАЛИЕВА, Олтиариқ телекоммуникациялар боғламаси оператори:***

— **Телекоммуникация** соҳасида иш бошлаганимга чорак асрдан ошди. Илк ишга келганимда техника анжомларини кўриб: "Қандай ўрганаркинман", деб таҳликада қочиб қолишимга бир баҳя қолганди. Номус-ғурур кучли келди. Таваккал дедим, ақлидрокни Худойим бекорга бермаган-ку. М-60 русумли тўртта коммутаторда ишлашни ҳаш-паш дегунча ўрганиб олдим-у, шу техникани бир оз такомиллаштиришнинг иложи йўқмикан-а, деб ўйлайдиган бўлдим. Бу ҳақда мендан бошқа одамлар ҳам бош қотираётгандир, деб ўзимга тасалли берардим. Ўз ишининг устаси бўлган бошлиғимиз Маҳмуд акани (туман раҳбарлари уни "Низомиддинов керак бўлса фазога ҳам телефон ўрната олади", дейишарди) "Мана бу "наушник" сал ўзгартирилса, сезувчанлиги оширилса, у ёқдан келаётган овоз тиниқлашармикин?" дея саволга тутсам, "Бунинг учун бутун тизимни ўзгартиришга тўғри келади. Бу — бир фан. Соҳамиз бўйича йирик илмий ишлар олиб боришяпти. Ҳадемай янги технологиялар жорий қилинса ажаб эмас", дерди.

Мана, ўша кунларга ҳам етиб келдик. Аллоҳга шукр. Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олаётган ёшларимизнинг янги технологиялар ва Интернет билан тиллашаётганини, информатика машғулотларига қатнаётган невараларимнинг илк ютуқларга эришганини кўрганда, ўзимни бахтиёр сезаман. "Вой, тиниб-тинчимагурлар-эй, нималарни ўйлаб топишмайди-я", деб ҳамкасбларимни кулдираман. Эски технологиялар даврида фазога телефон ўрнатишга қодир одамларимиз бўлган экан, демак, улар озгина ғайрат қилсалар кифоя. Телекоммуникация соҳасида тузуккина кашфиётлар яратмоқлари мумкин-ку, нима дединг из?

# Муҳаббатга сазовор "тўртинчи гўзал"

***Мактабни тамомлаб, Водил алоқа бўлимига ишга кирган чоғларим эди. "Наушник"ни қулоқларимга ўрнатган заҳоти вужудимга титроқ кирар, баъзан нариги томондаги ҳукмбардорона овоз таъсирида тилим калимага келмай қолар эди.***

**Аҳволимни сезган** устозларим далда учун мени "Тўртинчи санам", "Тўртинчи гўзал", деб эркалашарди. Иш ўргангунча, она сутим оғзимга келди. Кўп қийналганимданми, уйга чақириб қолишса ҳам, "Тўртинчи эшитади", деб юборардим. Тушларимда ҳам "Тўртинчи эшитади", деб алаҳлаб чиққан тунларим бўлган. Уч телефончи уч коммутаторда туни билан тиним билмай ишлардик-да. Хуллас, иш осон эмасди.

Шундай кунларнинг бирида ҳаётимни бошқа ўзанга бурib юборган қизиқ ҳодиса юз берди. Кўнғироқ жиринглаганда, одатдагидек, "Тўртинчи эшитади", дедим. Нариги томондан эса: "Тўртинчи? Сиз қанақа тўртинчи бўлдингиз? Исми-шарифингиз нима?" деган амрона овоз янгради. Ҳушимдан кетаёздим. Ўзимни таништирсам, "Бошлиғингизни топиб бўлмаяпти, дарҳол топинг", деб буйруқ берди. Сезиб турардим. Ёш йигит-ку, бунча қўпол бўлмаса. Зинапоялардан учиб тушиб бошлиқ хонасига борарканман, "Линияларни банд қилманглар, обкомдан сўрашяпти", деб бақирардим.

Кейин бу овозни ҳар куни эшитадиган бўлдим. "У" қўнғироқ қилмаган кун, кўзимга дунё қоронғу кўриниб кетар, ўзимни қаёққа қўйишни билмасдим. Ниҳоят таниш овоз, "Яхшимисиз, тўртинчи", деганда, юзларим лоларангга кирганини сезган ҳамкасбларим "Вилоят алоқа бошқармасидан, Ғайратжон", деб ширвирлаб қолишарди.

Бир куни у яна телефон қилди ва пастга тушиб радиони эшитинг, деб қолди. У вақтларда радиоузел доим ишлар, сира ўчирилмасди. Мен, "Ҳозир, икки минут", деб югуриб тушиб кетдим. Радиодан хонанда Қобилжон Юсуповнинг мен энг яхши кўрган "Ўшал кун келур" қўшиғи тараларди:

*Қайда бўлсанг ҳам сени бир кун топиб оларман,*
*Ҳузурингда бу оташ қалбигинамни очарман...*

У ҳам шу қўшиқни яхши кўраркан, деб бирам суюнаман-ей, гўё самоларда қанот қоқиб учгандек...

Қарангки, шу туйғулар туфайли яшаш менга янада жозибали, ширин, жудаям тотли бўлиб қолганди. Агар шу севги бўлса, ҳаётнинг энг гўзал безаги ҳам шу экан, дердим ўзимча. Покиза, бегубор муносабатлар мустаҳкамланди. Аввал совчи жўнатди, сўнг бизни учраштиришди. Келин аям билан сой бўйига уни кўргани борган энг маъсум ва энг масрур кунни ипидан игнасигача қўймай болаларга ҳам гапириб берганман.

Шундай дея, Мунаввархон ҳикоясига нуқта қўйди. Мунаввархон ва Ғайратжон Тошпўлатовлар оиласи Водилда намунали оилалардан. Бир ўғил, икки қизлари бор. Тўнғичлари Фарғона саноат коллежида, қизлари мактабда ўқишади. Водилда телефон орқали топишиб, кўнгил қўйиб, турмуш қурганлар бисёр. Тошпўлатовлар шундай саодатманд оилалардан.

# Мен учун энг бетакрор мусиқа

***— Ўзим асли Сибирнинг Олтой ўлкасиданман, — дейди фахрий алоқачи Александра Мироновна РЕШИТИЛОВА. — 1942 йил чилласида отам урушдан оғир ярадор бўлиб қайтди. Госпиталда дўхтирлар "Иссиқ юртларга борсангиз соғайиб кетасиз", дейишган экан. Фарғонага кўчиб келиб, яшай бошладик.***

**Мен** дарҳол алоқа бўлимига иш сўраб бордим. Ўшанда 14 ёшда эдим. Аввал ҳам Россияда бир-икки ой морзеда ишлагандим. Бир оз уқувим борлигини кўриб, ишга қабул қилишди. Шу-шу морзе аппаратида 1950 йилгача ишладим. 1950—1955 йилларда телефон алоқаси жадал ривожлана бошлади. Бироқ ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишлайверадиган морзе тез-тез асқотиб турди.

Александра Мироновна сўзининг охирида мамнуният билан яна такрорлади:

— Баъзан тушларимда морзенинг бетакрор мусиқаси эшитилгандай бўлади. Яйраб, яшариб кетаман...

Унинг овозида ёшлик дамларини қўмсаш, армонли туйғулар зуҳур эди

# Телефон меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди

— **Бир пайтлар** коммутаторда ишлаш жуда оғир эди, — ҳикоя қилади ***олтиариқлик алоқачи Жамилахон УМРЗОҚОВА***. — Барча жараёнларни қўлда бажарардик. Битта маҳаллий, битта шаҳарлараро канал бўлиб, алоқага фақат биз орқали чиқилган. Ўт ўчириш хизматини ҳам, "Тез ёрдам"ни ҳам чақириш коммутатор орқали амалга оширилган. Хуллас, муттасил тераверганимиздан ҳамма рақамлар ёд бўлиб кетарди.

Бир гал жуда қизиқ бўлган. Туманимиз ҳокими раисни улаб беринг деса, ўн беш йиллар аввалги раис билан боғлабман. Бир оздан кейин ҳоким яна уланиб, хатоимни маълум қилгач, шундай мулзам бўлдимки, асти қўяверасиз. Бироқ ҳоким миннатдорчилик билдирди:

— Асло хижолат бўлманг. Иноможон ака қўнғироқ қилиб, ҳолаҳвол сўраганимдан боши осмонга етди...

Шунақа. Телефончининг шошганда адашиши баъзан савоб ишларга ҳам сабаб бўлар экан.

# Отамни кўрганлар доим бор бўлинг!

***Мадаминжон ИСМОИЛОВ, Учкўприк почта алоқа тармоғи бошлиғи ўринбосари:***

— **Янги йил** шунақа байрамки, истайсизми, истамайсизми ўтган умрга бир назар ташлайсиз. Мен ҳам бу байрамни яхши кўраман. Фарзандларимни нима биландир хурсанд қилишга интиламан. Энг қизиғи, байрамнинг ёқимли ташвишлари ичида қолсам ҳам, кўз ўнгимдан отамнинг нурли нигоҳи кетмайди. Йиллар ўтган сари азиз чеҳраси аниқроқ-тиниқроқ кўринади. У бизнинг қалбимизда меҳрибон ота сиймосида қолган бўлса, алоқачилар хотирасида соҳанинг энг билимли ва камтар ходими сифатида из қолдирган. Ҳаммамизни эл қорига ярайдиган қилиб вояга етказдилар. Уч нафаримиз алоқачимиз.

Отам алоқа бўлими бошлиғи сифатида биринчи навбатда кўзлари тўрт бўлиб кутадиганлар хизматини бажаришга эътиборни қаратарди. "Армияда хизмат қилаётган ўғлидан хат кутаётган оилага қувонч олиб кириш, ночорроқ яшаётган фахрийларга нафақаларини кечиктирмай етказиш, газета-журнални сувдай, ҳаводай кўрадиган обуначиларни асло илҳақ қилмаслик зарур", дердилар доим.

Раҳбаримиз Муҳаммаджон ҳожи Каттабеков ҳам "Неъмат ака почта ишларининг устаси эди. Оддий хабарчиликдан туман алоқа бўлими бошлиғигача бўлган лавозимларда ишлаб, обрў топди. Тажрибали, зукко алоқачи эди. Афсуски, умри қисқа экан. Устознинг мўмин-қобиллик билан боқиб туришларини унутолмайман. Зотан, яхшиларни ёд этиб, ҳақиқига дуолар қилиб яшаш ҳар биримизга фарздир", — дея отамни кўп эслайди.

Салкам ўттиз йил алоқачиликни улуғлаган отамни ёдга олганлардан жуда миннатдор бўлиб кетаман.

Демоқчиманки, янги йил баҳона ота-онангизни ардоқлаб, хизматида бўлиб, дуоларини олинг. Улар ҳар он, ҳар дақиқа сизни кутадилар, азизлар!

ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*Ўзбек халқини ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини кириб келаётган*

*Янги йил билан* чин қалбдан муборакбод этади.

*Янги йил барчамизга қувончли лаҳзалар, поклик ва муҳаббат, янги зафарларни ҳадя этсин.*

Хонадонингиздан бахт ва шодлик аримасин!

"ГРАНИТ" ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барчани

Янги йил байрами

билан қутлайди.

**Қадрли юртдошлар! Байрамингиз муборак бўлсин.**

ЯНГИ ЙИЛ ХАММА-ХАММАНГИЗГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ ҲАДЯ ЭТСИН!

"ЧИРҚОМ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқи ва барча алоқачиларни*

2005 йил билан

қизғин қутлайди.

*Янги йил хонадонингизга қувончу шодлик олиб келсин.*

**Мустаҳкам соғлиқ, омад ва бахт доимий йўлдошингиз бўлсин!**

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Кириб келаётган янги — 2005 йил билан юртимиз аҳолисини ва алоқа соҳаси ходимларини табриклайди. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, мамлакатимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.*

*Янги йил муборак, азиз юртдошлар!*

Хоразм вилояти

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ўтган вақт давомида бир қанча ишлар амалга оширилди. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан узвий ҳамкорликда алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати амалга татбиқ этиб келинмоқда. Жойлардаги алоқа корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд техника ва технологиялардан унумли фойдаланиш бўйича ҳам самарали ишлар олиб борилди.***

# Телерадиодастурлар узатиш яхшиланди

**JBIC лойиҳаси** бўйича вилоят ҳудудида 130,2 километр узунликда оптик-толали кабеллар ётқизилди. 9та рақамли АТС ва 11та узатиш тизими ишга туширилди. Япониянинг «Марубени» корпорацияси томонидан 5та симсиз алоқа (радиотелефон) ускунаси ўрнатилди. Вилоятнинг энг чекка аҳоли маскани «Саримой»да ҳам янги станция ишга туширилиш арафасида турибди.

— Республикамизда иккинчи ҳисобланган Хоразм телевидение узатиш маркази 1961 йил, 31 декабрда ишга туширилган бўлиб, ускуналари эскириб кетганди, — дейди Агентликнинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фарҳод Янгибоев. – Бугунги кунда JBIC лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиб, Урганч шаҳрида 3та теледастур ва 3та радиодастур, Питнакда 3та теледастур ва 2та радиодастур, Тупроққалъа даҳасида битта теледастур узатиш тизими ишга туширилди. Натижада сифатли кўрсатув ва эшиттиришлардан аҳоли баҳраманд бўла бошлади.

Жорий йилда рақамли АТСлар, узатиш тизимлари ва симсиз алоқа тизимларини қуриш ишларига 1 миллиард 909 миллион сўм сарфланди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, ҳудудий бошқармада мониторинг маркази ташкил этилди. Почта алоқаси ва технологиялар, телерадиоэшиттириш, маълумотларни узатиш тармоқлари, ахборот тизимларида хавфсизлик бўйича техник ҳамда технологик талабларнинг бажарилиши назорати йўлга қўйилди.

# Барча туманлар рақамли тизимга боғланди

***«Хоразм Телеком» филиали жамоаси томонидан ҳам жорий йилда кўпгина хайрли ишлар ниҳоясига етказилди. Жумладан, JBIC-2 лойиҳаси бўйича Янгибозор, Янгиариқ, Боғот туманлари ва Питнакда рақамли АТСлар ўрнатилди. Шунингдек, Хонқа туманининг «Хоразм», «Олтин соҳил», Янгиариқ туманининг Аваз Ўтар номидаги, Боғот тумани «Деҳқонобод» ширкат хўжаликлари ҳамда Урганч шаҳридаги «Темирйўлчилар» маҳалласида рақамли ихчам АТСлар қурилди. Ҳозирги кунда станциялар синовдан ўтказилмоқда. Бу йил ўрнатилган рақамли АТСларнинг умумий сиғими 6,5 минг нуқтага тенг.***



— **Япониянинг** NEC корпорациясида яратилган рақамли АТСларни ўрнатганимиз бежиз эмас, — дейди «Хоразм Телеком» филиали директорининг биринчи ўринбосари Аҳмаджон Самандаров. – Эндиликда барча туманлар рақамли алоқа тизимига боғланди. Бундан ташқари, вилоятда иккита доира тизимида алоқа хизмати кўрсатила бошланди. Битта доирадаги оптик-толали кабелда носозлик бўлса, иккинчи доирадагиси автоматик равишда алоқани боғлайди, натижада узлуксиз алоқа хизмати таъминланади.

Рақамли АТСларни ўрнатишда етакчи муҳандис Рўзмат Ниёзматов, шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи Рустам Янгибоев, муҳандис Каримбой Нурматов, лаборатория бошлиғи Шуҳрат Саъдуллаев, электромонтёр Азамат Аниёзов ва бошқа алоқа ходимлари ўрнак кўрсатишди.

Урганч, Янгибозор, Шовот туманлари ва бошқа жойларда оптик товушни электр товушга айлантирадиган 13та янги узатиш тизими қўйилди. Урганч шаҳри, Хива, Шовот, Ҳазорасп туманлари ва вилоятнинг энг чекка «Саримой» даҳасида уяли алоқа станциялари ўрнатилди.

Жорий йилнинг ўн бир ойи давомида филиал томонидан жами 3 миллиард 258 миллион сўмлик иш бажарилди, шу жумладан, аҳолига 1 миллиард 883 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. 32,2 миллион сўмлик кабеллар тортилиб, 600 хонадон телефонлаштирилди. Миллий ва халқаро алоқа тармоқларига юқори тезликда чиқиш, улардан аҳоли яшаш жойлари, ҳатто қишлоқларда ҳам фойдалана олиш имкониятлари пайдо бўлди.

Галдаги бош вазифалардан яна бири — вилоятда уяли алоқани кенгайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг замонавий тури бўлган Интернет тизимини ривожлантиришдан иборатдир.

***«Ўзбекистон почтаси» АЖ Хоразм филиалида 150та алоқа бўлими, 11та шаҳар, туман филиаллари ва битта почта алмашув бўлими фаолият кўрсатмоқда. Филиалда 828 киши хизмат қилади, уларнинг 421 нафари почта тарқатувчилардир. Қўшимча ижтимоий тўловлар билан бирга ўртача иш ҳақи деярли 39 минг сўмни ташкил қилади.***

# Ижтимоий муҳофаза

**Жорий йилнинг** ўн бир ойи якунига кўра, 360 мингдан зиёд хат эгаларига етказиб берилди, обуначиларга 2 миллион 241 мингта газета-журнал тарқатилди. Шунингдек, филиал ходимлари томонидан табиий газ, электр қуввати сингари коммунал хизматлар учун аҳолидан 3 миллиард 98 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари йиғилди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 220,4 миллион сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 65 фоиз ўсишга эришилди.

— Аҳоли, корхона ва ташкилотларга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда сифатли почта хизмати кўрсатиш асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди филиал директори Отабой Раҳимов. – Интернет-кафе, электрон почта ва бошқа хизмат турларини жорий этиш ҳисобига мижозларга қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Филиалда ҳисоб-китоб ишларини компьютерлаштириш эвазига иш жараёнида ривожланишга эришилди. Туман почта алоқа тармоқлари билан марказлашган ҳолда ҳисоб-китоб юритилмоқда. Чораклик ва йиллик ҳисоботлар қисқа муддатда тайёрланмоқда. Ходимлар «1С: Бухгалтерия» дастурини мукаммал ўзлаштириб олишган. Замон билан ҳамнафас иш юритиш, албатта, яхши натижаларга етакламоқда.

Хат ва жўнатмалар билан бевосита ишловчи барча почта тарқатувчилар ҳамда операторлар билан 14 маротаба ўқув машғулотлари ўтказилди. Ходимлар зарур ҳимоя воситалари билан таъминланган. Шунингдек, почта хизмати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турғун ва қўлда ишлатиладиган металл




қидирувчи қурилмалар, газ ва спектранализа-торлар, радиактив моддалар ҳамда бошқа буюмларни аниқловчи қурилмалардан фойдаланилмоқда.

Филиални 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва уни амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

# Акциядорлар янги ишга қўл уришди

***Обуна мавсуми ижодкор ходимлар учун ҳам, матбуот тарқатувчи ва обуначилар учун ҳам масъулиятли пайт ҳисобланади. Бу йил мавжуд захиралардан унумли фойдаланиш ва моддий-техник базани ривожлантириш ҳисобига Хоразм вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ошди. 2005 йил учун обунани уюштиришга янгича ёндашиш ўз самарасини берди ва мижозлар сони янада кўпайди. Айни дамда ўн минглаб обуначилар шўъба корхона мижозлари ҳисобланади.***

**Фаолиятга** янгилик олиб кириш, ходимларнинг ўқувчилар талаб ва таклифларини ўрганишлари натижасида кўпгина нашрларнинг сони ошди. Барча туманларда корхонанинг филиаллари мавжуд ва матбуотни тарқатиш ишлари автомобилларда амалга оширилмоқда. 150 нафардан зиёд ходим мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Матбуот тарқатувчиларнинг кўпчилиги велосипедлар билан таъминланган ва улар вақтли нашрларни манзилларга ўз вақтида етказишмоқда.



Корхонада энг арзон тариф белгиланган, маълумотлар юқори тезликда узатиладиган Интернет-кафе фаолият кўрсатмоқда. Интернет-кафе янги турдаги компьютерлар, факс ва бошқа техникалар билан жиҳозланган.

— Бозор иқтисодиётининг янги йўналишларини қўллаш ҳисобига фаолиятимизни кенгайтирмоқдамиз, — дейди шўъба корхона директори Ғуломбой Шарипов. – Ҳазорасп тумани босмахонасининг 74 фоиз акциясини сотиб олиб, ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Ҳазорасп тумани «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ директори Комилжон Жумагалдиевнинг ташаббускорлиги боис мазкур босмахонада «Ҳазорасп-нома», «Питнак истиқлоли», «Тужжор», «Хоразм ёшлари» ва «Дийдор» газеталари чоп этилмоқда.

Ҳазорасп тумани «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ босмахонасида замонавий рақамли ризограф ўрнатилган бўлиб, маҳсулотлар сифатли қилиб нашр этилмоқда. Босмахонада тўрт хил рангда маҳсулотлар чиқариш йўлга қўйилганлиги диққатга сазовордир. Матбаа корхонасида газета ва бланкалар 2та «Пентиум-4» компьютерида терилиб, саҳифаланмоқда.

— Икки қаватли босмахона биносини таъмирлаш ишларига 6,5 миллион сўм сарфланди, — дейди масъулияти чекланган жамият директори Комилжон Жумагалдиев. — Қисқа давр ичида 1,5 миллион сўмлик босма маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 6 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Саҳифани жамоатчи мухбиримиз Фарҳод МУҲАММАДИЕВ тайёрлади

“ЎЗИМПЭКСАЛОҚА” ЖАМОАСИ

**Гўзал диёримизда истиқомат қилаётган барча ватандошларимизни Янги йил билан муборакбод этади.**

*Янги йил — яхшилик, меҳр-оқибат, қут-барака йили бўлиб қолсин.*

*Байрамингиз қутлуғ бўлсин!*

“ҚАШҚАДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Юртдошларимизни ҳамда барча ҳамкасбларини Янги йил айёми билан чин дилдан муборакбод этади.*

*Янги йил барчангизга янги зафарлар олиб келсин.*

**Хонадонингизни йил бўйи шоду хуррамлик тарк этмасин!**


# ҚОРБОБОНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ

***Ер юзида яшаётган ҳар бир миллат ва элатнинг ўз маросимлари, урф-одатлари бор. Бироқ шундай байрам борки, уни кўпчилик орзиқиб, ҳатто кунлар санаб кутади. Бу — Янги йил. Байрам баҳона бир оз бўлса-да ташвишларимизни унутамиз, ўтган умримизни сарҳисоб қиламиз. Фарзандларимизнинг қувончини кўриб, бахтли болалигимизни эсга оламиз. Турган гапки, Янги йилни турли юртларда турлича нишонлашади. Абадий музликлар, аёвсиз жазирама ҳукмидаги ўлкалардан фарқли равишда юртимизда тўрт фасл навбати билан меҳмон бўлади. Бу ҳам Яратганнинг халқимизга берган бир иноят. Шунга яраша байрамларимиз ҳам ранго-ранг. Қисқаси, ҳар фаслнинг ўзига яраша гашти бор.***

**Кўп йиллардирки,** Янги йилни Қорбобо ва Қорқиз билан кутишга одатланганмиз. Умуман, Янги йилни нишонловчи деярли ҳар бир халқнинг ўз байрам қаҳрамонлари, тимсоллари бор.

Қорли ўлкада яшовчи финлар Янги йил кечаси **Йоулупукки** (“Қорбобо”)ни кутишади. Унинг исми сўзма-сўз таржима қилинганда “Рождество эчкиси” деган маънони англатади. Чунки суоми (фин)лар тасаввурича, Йоулупукки эчки терисидан тикилган пўстин кийган басавлат киши бўлган, У бошқа мамлакатларда, айниқса, Скандинавия давлатларида ҳам маълум ва машҳур. Унинг почтасига ҳар йили дунё болаларидан жуда кўплаб хатлар келади.

Немисларда Янги йил тантаналари қадимда фолклор қаҳрамони **Ниманд** (“Ҳеч ким”) номи билан боғланган. Ёш болалар бирор нарсани бузиб қўйишса ёки ўғирлашса, буни Нимандга “тўнкашган”. Кейинчалик немислар 24 декабр кечаси анъанага кўра **Вайнахтсман** (“Рождество одами”) ва **Кристкинд**ни кутадиган бўлишди. Кўпинча Кристкинд шериги **Кнехт Рупрехт** билан бирга келади.

Француслар Қорбобоси — **Пэр-Ноэл** (Январбобо)нинг ёнида доимий ҳамроҳи, сергак **Пэр-Фуэттар** (“Қамчинли бобо”) юрган. У энг яхши совғаларни одобсиз болалар олиб қўймаслигини кузатиб туради.

Инглиз ва ирландларнинг Қорбобоси бизнинг тилимизда **“Рождество ота”** маъносини беради.

Италияда Янги йил олтинчи январдан бошланади. Барча италиялик болакайлар шу куни саховатли фаришта — **Бефана**ни орзиқиб кутишади. У кечаси сеҳрли супургисида учиб келиб, камин (печка) чеккасига илиб қўйилган пайпоқларга совғаларини солиб кетади.

Шведлар Қорбобони **Йолотомтен** ёки **Юл Темтен** дейишади. У фин қўшнисига ўхшаб кетади. Шведларнинг яна бир Янги йил фариштаси митти одам **Юлниссаар**дир.


Йоулупукки


Ниманд


Пэр-Фуэттар


Синтерклаас

Даниялликларнинг ҳам ўз Қорбоболари — **Юлеманден** ва **Юлниссе** бор. Айтишларича, улар Гренландиянинг абадий музликларида яшашаркан.

Норвегияликлар хонадонларига Янги йил кечаси **Юлебукк** ташриф буюради.

Карелияда бошқа Қорбоболардан анча ёш **Паккайне** исмли Янги йил қаҳрамони бор.

Кипрликлар Қорбобони **Василий**, колумбияликлар **Паскуал ота**, руминлар эса **Мош Жерилэ** деб аташаркан. Голландларда **Синтерклаас** болаларга совға улашиш учун оқ кемада ташриф буюрар экан.

Қозоқларда Янги йил **Аёз ота**сиз ўтмайди. Қолмиқлар бўлса шу куни **Зул**ни кутишга тайёргарлик кўришади.

Қиш нималигини билмайдиган, қорни кўрмаган камбожаликларнинг ҳам “Қорбобо”си бор. Бу — **Жазирама бобо**.

Энг камтар Қорбобо — **Ежишек** Словакияда яшайди. У совғаларини уйма-уй тарқатиб чиқади, лекин одамларга кўринмайди.

Чехларнинг **Микулаш**и эса ташқи кўринишидан русларнинг **Дед Мороз**ига ўхшаб кетади. Поляклар Микулашнинг қизи — Қорқиз ҳам бор дейишади. Бироқ у отаси билан сафарга чиқмасдан, одобли, тарбия кўрган қиз сифатида уйида ўтираркан.

Австрияда Янги йил “Авлиё Силвестр куни” деб аталади. Шу куни барча австрияликлар маскарад кийимларини кийиб олишади ва ўзларини **Силвестрклаус**лар дейишади. Шу куни мўри тозаловчини учратиш ва бирон гард юқтириш яхшилик аломати ҳисобланаркан.

Мўғулларда эса байрамга **Увлин Увгун** (Қорбобо) **Зозон Охин** (Қорқиз) ва **Шина Жила** (Янги йил-бола) билан ташриф буюради.

Испанлар Қорбобони **Олентцеро** дейишади. У совғаларни айвонда қолдириб кетаркан.

Кубалик болалар Янги йил байрамини “Қироллар куни” дейишади. Болаларга совға олиб келувчи «Сеҳргар-қироллар»ни эса **Балтасар, Гаспар** ва **Мелчор** деб аташади.

Номларию шакл-шамойилидан қатъи назар, барча Қорбоболарнинг мақсади ягона — қалбларга қувонч, хонадонларга бахт-саодат олиб кириш, дунё бўйлаб эзгулик уруғини сепиш.

Байрамингиз муборак бўлсин! Янги йил кечаси сизга ҳам Қорбобо ўз совғаларини ҳадя қилсин!

***Собит АҲАДОВ тайёрлади***

Қашқадарё вилояти

***Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жамиятда шаклланаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни юксалтириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Нодавлат мулк шаклларини тобора ривож топаётган бир пайтда касаба уюшмаларининг бутун саъй-ҳаракати меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.***

# Ходимлар манфаати ҳимояда

**Хўш,** бу борада Қашқадарё воҳасида қандай ишлар амалга ошириляпти? Қашқадарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Қўчқор КАРИМОВ бу борада қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Меҳнат аҳлига ҳақиқий ғамхўрлик кўрсатилаётган, уларнинг баракали меҳнат қилиши учун шарт-шароитлар яратилган корхона, филиал ва жамоалардагина юқори натижалар қўлга киритилади. Алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг 1999—2004 йиллардаги фаолиятида муҳим ўзгаришлар бўлди. Янгиланиш даврига муштарак вазифалар белгиланган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва касаба уюшмаларининг ишлаб чиқаришдаги иштироки янада ортди.

Якунланаётган йилда қўмитамизнинг беш йиллик иш фаолияти таҳлил қилинди ва қўмита раислигига яна мен сайландим.



Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш касаба уюшмалари кундалик фаолиятининг яна бир таркибий қисми бўлиб, бу масала ҳам жамоа шартномаларида ўз аксини топган ва доимий назоратда бўлмоғи даркор. Қўмитамиз доирасидаги корхона ва ташкилотларда уч мингга яқин касаба уюшмаси аъзолари борлиги, уларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш лозимлиги эътиборга олинса, бу нақадар масъулиятли иш эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Меҳнаткашлардан тушаётган ариза ва шикоятларни жойлардаги ҳақиқий вазиятни акс эттирадиган бир кўзгу дейиш мумкин.

Беш йил ичида қўмитамизга меҳнаткашлардан жами 68та ёзма ариза-шикоятлар тушди. 160га яқин ишчи-ходим қабулимизда бўлди. 359 нафар соҳа ходимига санаторийлар учун 21156,6 минг сўм, 2466 нафар ўқувчи-ёшларнинг оромгоҳларда дам олишлари учун эса 49774,9 минг сўм сарфланди.

Маданий-маърифий ишларни замон талабларига мос равишда ташкил этиш йўлида касаба уюшмаси ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ўзбек халқининг маданий ва маърифий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида спорт ишларини жонлантиришга ҳаракат қилинди. Турли йўналишларда соҳа ходимларининг биринчи, иккинчи ва учинчи босқич спартакиадалари ўтказилди. Меҳр ва мурувват йили дастурига мувофиқ ўтказилган "Соғлом оила" республика спартакиадасида ҳам ходимларимиз фаол қатнашдилар. Алоқа ходимлари касаба уюшмалари ўзларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишдек шарафли йўлдан дадил бораверади.

# Меҳнатимиз баҳоси

***Ҳар йилнинг ўз ўрни бор, албатта. Мустақиллик йилларида асрларга татигулик ишлар қилинди ва қилиняпти. Алоқа тизимидаги ислоҳотлар ҳам ўз самараларини бермоқда.***



**Хайрлашаётган йилимиз** узоқ вақт эсда қолади, деб ўйлайман. Сабаби, йил бошидаёқ улкан ишлардан бири амалга ошди. Воҳа туманларини бир-бирига боғлаш, бошқа шаҳарлар билан алоқа қилиш учун JBIC лойиҳаси бўйича 2280 рақамли электрон автоматик халқаро ва шаҳарлараро станциянинг ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Телефон хизмати сифат даражасининг ошиши ва бошқа ишларнинг бажарилишида бу станциянинг ўрни беқиёсдир. Эски ускуналар ўрнида янгиларини барпо этиш йўлидаги уринишлар ва изланишлар ҳам яхши самара беряпти. Шу маънода истиқлол байрамига муносиб совға сифатида Яккабоғда 1000 рақамли янги АТС ишга туширилди. Станция ишга тушгунча, янги алоқа уйини бунёд этишга тўғри келди. Бино қурилишида филиалнинг ўз қурилиш бригадаси ишчилари жонбозлик кўрсатишди. Қисқа муддатда бино қад ростлади.

Вилоятда 2004-2005 йилларда телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш лойиҳаси амалга ошганидан сўнг барча туман марказлари рақамли алоқага эга бўлади.

2004 йилда қилинган ишларда фаол иштирок этган алоқачилар меҳнати ҳам муносиб баҳоланди. Жумладан, Президентимиз Фармонига кўра, бир ходимимиз "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Айримлари эса Агентликнинг "Фахрий ёрлиқ"ларига ҳамда "Ўз касбининг устаси" нишонига сазовор бўлишди. Буни, албатта, қилинаётган ишларга муносиб баҳо деб биламан.

***Самад КАРИМОВ,***
***"Қашқадарё Телеком" филиали директори***



**Суратда:** Корхона бош ҳисобчиси **Рашид ИСМОИЛОВ,** йўриқчи **Раҳматулла РЎЗИҚУЛОВ** ва ҳисобчи **Санобар ДОЛИЕВА**лар обуна якунлари бўйича ўзаро фикр алмашишмоқда.

***"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиалининг Чироқчи почта алоқа тармоғида газета-журналлар обунасига алоҳида эътибор берилади. "Xabar" газетасига республика туманлари ичида энг кўп обуна мазкур тармоқда уюштирилгани эса диққатга сазовордир.***

# Обуначилар кўпайди



**Ўтиб бораётган йилда** филиалимизда жуда кўп хайрли ишлар қилинди. Соҳадаги ислоҳотлар натижасида корхонамиз филиалга айлантирилди. Почта хизматини ихчамлаштириш ва бошқаришда бу ислоҳотлар ўз самарасини беради. Обуна бўйича анча жонланиш сезилди. Жумладан, Қашқадарё вилоят ҳокимининг обунани жонлантириш борасидаги фармойиши айни муддао бўлди. Даврий нашрларнинг барча турларига обуна бўлувчилар кўпайди. Обуна йил давомида амалга ошади. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

***Дилдора ХАЛИЛОВА,***
***"Ўзбекистон почтаси" АЖ***
***Қашқадарё филиали обуна бўлими бошлиғи***

# Туташ қалблар

***Бундан уч-тўрт йил илгари Қамашидаги Меҳрибонлик уйига йўли тушган Тиркаш Очиловнинг эътиборини бир тўп болалардан четда турган ғамгин бола тортди. Юрагида уйғонган изтироб болакайни гапга тортиш, унинг қалбига қўл солиб кўришга ундади.***

**Танишиб ҳам олишди.** Равил кўринишидан анча одамови туюлса-да, у билан тезда тиллашиб кетди. Ҳалигина ўзи гувоҳ бўлган маъюс кўзларда энди бутунлай бошқа манзарани кўрган Тиркаш ака Равилсиз бу ердан кетолмаслигини тушунди...

Қишлоқдошлари, ёр-биродарлари ҳайрон. Ўз фарзандлари, бунинг устига ўғиллари талайгина бўла туриб яна бир бола олиб келиши кўпларга эриш туюлди. Яна ким денг, бошқа миллат боласи.

Бу хонадонга келиб, Равил бор ташвишларини унутди. Қалбидаги кемтикликларни эртанги кунга умид, ҳаётдан бахтиёрлик ҳислари тўлдирди. Тиркаш аканинг фарзандлари билан тез тил топишиб кетди, ўзбекчани ўргана бошлади. Айни пайтда у Қарши шаҳридаги Қурилиш касб-ҳунар коллежида таҳсил олмоқда.



Фаолиятини оддий почтачиликдан бошлаган Тиркаш ака доимо одамлар дарди билан яшайди. Ташкилотчилиги, фаоллиги боис унга масъулиятли вазифалар ишониб топширилади. Мана, олти йилдирки, Т.Очилов Қашқадарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" МЧЖни бошқариб келяпти. Тадбиркорлиги, қўл остидагиларга адолатли муомаласи, оилапарварлиги билан ҳурмат қозонган.

— Бир оғиз илиқ сўзга илҳақ, меҳрга ташналар озми орамизда, — дейди Тиркаш ака. — Биргина мисол, Қамаши туманидаги Меҳрибонлик уйида 70дан ортиқ норасида тарбияланмоқда. Баҳоли-қудрат уларнинг ҳолидан хабар олиб туришга ҳаракат қиламиз. Мурувватнинг катта-кичиги йўқ. Асосийси, эътибор, оқибатда деб ўйлайман. Халқимизда "Нима эксанг, шуни ўрасан" деган ажойиб нақл бор. Болалар ёш новда мисоли эгилувчан, нозик қалб бўлади. Улар эртанги кунимиз эканлигини унутмаслигимиз, лоқайд бўлмаслигимиз лозим.

Саҳифани жамоатчи мухбиримиз Баҳром МУРОДОВ тайёрлади




**Январь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

**Февраль**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | | | | | | |

**Март**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | 31 | | | |

**Апрель**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | |

**Май**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

**Июнь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | | | |

**Июль**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

**Август**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | 31 | | | | |

**Сентябрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | | |

**Октябрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

**Ноябрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | | | | |

**Декабрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | |

**МУАССИС:**
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:**
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Изат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Дутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — 0.
Реклама матилларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz*.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

**261-G сонли буюртма.**
**Офсет усулида босилди.**
**Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.**

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.